O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат сохиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 50 (156)-сон, 2006 йил 21 декабрь | www.21asr.com

ЖАМИЯТ

3 ҲАР ҚАНДАЙ ЭЗГУ ТИЛАК, ДАЪВАТ ЭЪТИҚОДГА АЙЛАНГАН ТАҚДИРДАГИНА УЛКАН МОДДИЙ КУЧ ВА ҚУДРАТГА ЭГА БЎЛАДИ



ЖАРАЁН

5 «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИ УЧУН 350 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ АЖРАТДИ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

7 ТАШҚИ АРАЛАШУВ ФАЛАСТИННИ ФУҚАРОЛАР УРУШИ ЁҚАСИГА КЕЛТИРИБ ҚЎЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "МАЛИКА" ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЙИРИК ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН БИРИДИР. УНИНГ ТАМҒАСИ БОСИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ, ХАРИДОРЛИГИ БИЛАН МАШҲУР.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ — ҚЎЛИГУЛ ТИКУВЧИЛАР ТОМОНИДАН БУЮРТМА АСОСИДА ТАЙЁРЛАНИБ, ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ПЕШМА-ПЕШ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАЁТГАН СПОРТ КИЙИМЛАРИ, АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР КЎЙЛАКЛАРИ, КУРТКА — ЖАМИ ЮЗДАН ОРТИҚ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТНИНГ БИР ҚИСМИ ЯҚИН КЕЛАЖАКДА ЭКСПОРТГА ҲАМ ЧИҚАРИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН ҲОЗИРДАН КОРХОНАДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛГАН. ХУСУСАН, ЦЕХЛАРНИ ТЎЛИҚ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭСКИ УСКУНАЛАРНИ ЗАМОНАВИЙЛАРИГА АЛМАШТИРИШ ЖАРАЁНИ КЕЧМОҚДА.

Инсон манфаатлари — олий қадрият

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев Ижтимоий ҳимоя йили партия фаоллари, электорат зиммасига алоҳида масъулият юклаши, шу муносабат билан режалаштирилаётган ҳар қандай тадбир партиянинг ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши ҳамда бу жараёндан бирон-бир партия аъзоси четда қолмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Партия етакчисининг фикрича, мустақилликнинг тарихан қисқа даври мобайнида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва, энг аввало, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт моделини бугунги кунда бутун дунё тан олаётганининг боиси ҳам ана шунда. Чет эллик таҳлилчилар унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини холисона ва ҳаққоний равишда юқори баҳолаётганликлари ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда партиямиз олдида, Юртбошимиз маърузасида алоҳида таъкидланганидек, жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида давлат ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бир қатор янги вазифалар пайдо бўлди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида халқаро андозаларга мос келадиган демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада нафақат умуминсоний тажрибалар, балки халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари ва авлод-аждодлар томонидан яратилган маънавий омилларнинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини ҳар биримиз тўлиқ англашимиз лозим.

Айни вақтда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиғини янада оширишни, ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўлиқ инобатга олишни тақозо этмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб қилиб қўяётган ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз томонидан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди.

Кўзда тутилаётган ушбу ўзгаришларни амалга ошириш, аввало, таклиф этилаётган лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини барчамиз онгимиз ва қалбимизга сингдириш билан узвий боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўтган давр мобайнида ҳар бир йилга аниқ ном беришдек хайрли анъанани, таъбир жоиз бўлса, миллий тараққиёт моделининг узвий қисми, ҳаётимизга олиб кирилган янги миллий қадрият, дея баҳоласак, муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, бу қутлуғ анъана ижтимоий кўлами ва аҳамияти жиҳатидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар негизини ташкил этувчи машҳур беш тамойилнинг бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат тушунчаси билан ҳамоҳангдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: **"Буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда".**

Давоми 2-саҳифада.

Якуний хулосалар ҳали олдинда

КЕЧА ТОШКЕНТДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ: ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР" МАВЗУИДАГИ ТУРКУМ ДАВРА СУҲБАТЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Маълумки, жорий йилнинг ноябрь ойи мобайнида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Савдо-саноат палатаси ҳамда Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасига бағишланган туркум давра суҳбатларини ўтказган эди.

Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз иқтисодиёти, қолаверса, жамиятимиз эртаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатнинг ижтимоий аҳамияти юзасидан амалий баҳс-мунозаралар ташкил этиш, электорат фикрини ўрганиш, умумлаштириш ва ушбу масала бўйича партиянинг аниқ нуқтаи назарини белгилаб олишдан иборат эди.

Куни-кеча O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган тадбир жойларда ташкил этилган давра суҳбатларининг якуний натижалари ва таҳлилига бағишланди, дейиш мумкин. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, мамлакатимиздаги етакчи тадбиркорлар ва фермерлар, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитасининг мутасадди вакиллари, академия ходимлари ва тингловчилари иштирок этдилар.

Тадбирда мазкур кодекс мамлакат солиқ сиёсатини такомиллаштириш, иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Умуман олганда, Солиқ кодекси динамик тарзда ривожланиб бораётган либерал тамойилларни, бозор муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўзида тўлиқ акс эттириши лозим. Бунинг учун, энг аввало, иқтисодиётнинг реал сектори вакиллари, яъни мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликдан манфаатдор бўлган тадбиркорлар ва фермерларнинг қарашлари, уларнинг ҳолис фикр-мулоҳазаларини чуқур ҳамда атрофлича ўрганиш талаб этилади.

Барча вилоят тадбиркорлари ва фермерлари ўртасида ташкил этилган давра суҳбатларидан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат эди.

Хўш, кўзланган мақсадларга қай даражада эриша олдик? Тадбир давомида асосан ана шу савол атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Солиқ кодекси лойиҳасига билдирилган муносабат, солиқ тизими юзасидан ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалар, қизғин ва жонли руҳда ўтган мулоқотлар бу борада тўғри йўл танланганлигини яна бир карра намойиш этди.

Давоми 3-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

ҲУКУМАТ — ИСТЕЪФОДА

Қирғизистон президентининг расмий вакили Бакиев Вазирлар Маҳкамасининг кетишига розилик бергани ва янги ҳукумат тузилгунича вазирлардан вазифаларини давом эттириб туришни сўраганлигини баён қилди. Истеъфога чиқиш тўғрисида президентга ариза билан мурожаат қилган бош вазир Феликс Қулов ўз қарорини мамлакатда парламент сайловлари ўтказишни тезлаштириш хоҳиши билан изоҳлади. Мазкур қарор республика ҳокимиятида инқирознинг олдини олиш учун Конституциянинг янги таҳририга мувофиқ қабул қилинган. Бош вазирнинг айтишича, Миллий парламентнинг 10 нафар депутати ҳукуматга мурожаат билан чиқиб, вазирларнинг истеъфога чиқишини сўрашган.

Янги Конституция ҳукуматга кенг ваколатлар берган бўлса-да, бироқ унда Вазирлар Маҳкамасининг ҳозирги таркиби қачонгача фаолият кўрсатишини белгиловчи меъёрлар йўқ. Таъкидлаш керакки, Қирғизистон президенти ва бош вазири ўртасидаги зиддиятлар бир неча бор сиёсий инқирозларга сабаб бўлган эди.

ЯПОНИЯ КОНСТИТУЦИЯСИ ЎЗГАРАДИ...МИ?

Япония бош вазири Синдзо Абэ мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритишга тайёргарликни бошлаб юборди, деб хабар беради "Новости" РИА. Мақсад кунчиқар мамлакатнинг дунёдаги мақомини янада кўтариш, унинг дипломатик ва ҳарбий можароларни ечишдаги фаол ролини таъминлашдир. Агар кўзланган режа амалга ошса, япон ҳарбийларининг мамлакат ташқарисидаги жанговар операциялар ва БМТ байроғи остидаги тинчликпарвар амалиётларда қатнашиш имконияти кенгаяди. Қолаверса, миллий мудофаа вазирлигининг "бевосита мажбуриятлари" сирасига иттифоқчилар, энг аввало, АҚШга ёрдам кўрсатиш мажбуриятлари юкланади. Эслатиб ўтамиз: 1947 йилда қабул қилинган Японияниг Асосий Қонуни миллий қуролли кучларга эгалик қилишни таъқиқлайди. Унинг 9-моддасида Япония урушдан халқаро можароларни ечишнинг усули сифатида абадий воз кечиши таъкидланган.

— МЕН УЧУН ШУ ЖИҲАТ ЭЪТИБОРГА МОЛИККИ, — ДЕЙДИ К.ФИЛИС, — МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ЯНГИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЎЗ ХАЛҚИНИНГ АНЪАНАЛАРИ, УРФ-ОДАТ, ТАМОЙИЛ ВА ҚАДРИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛАДИ. БУ МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК АСРАБ-АВАЙЛАНАЁТГАНИНИ АНГЛАТАДИ. МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИККА АНА ШУНДАЙ МУНОСАБАТ ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ФАВҚУЛОДДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

3

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	968,32	1 Миср фунти	217,06	1 Польша злотийси	428,44	10 Жанубий Корея вони	13,44
1 Англия фунт стерлинги	2421,92	1 Исландия кронаси	18,06	1 СДР	1861,63	10 Япония иенаси	104,99
1 Дания кронаси	217,80	1 Канада доллари	1071,15	1 Туркия лираси	869,24	1 Россия рубли	47,08
1 БАА дирҳами	337,50	1 Хитой юани	158,43	1 Швейцария франки	1015,92	1 Украина гривнаси	245,45
1 АҚШ доллари	1239,53	1 Малайзия рингити	348,92	1 ЕВРО	1622,67		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

КИМ нима демасин, биз доим меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, хотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз

O`zLiDeP НУҚТАИ НАЗАРИ

Инсон манфаатлари — олий қадрият

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан янги — 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинишида чуқур рамзий маъно бор. O`zLiDePнинг иқтисодий-сиёсий соҳадаги мақсади битта, у ҳам бўлса, Ўзбекистон халқи фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартлари сифатида бозор тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга барча чоралар билан ёрдам беришдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, Президентимизнинг "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир" мавзуидаги маърузаси партия фаоллари ва аъзолари, партия электорати бўлмиш тадбиркор ва фермерлар томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мазкур дастурий маърузада илгари сурилган ҳаётий қоида ва хулосалар, ечимини кутаётган масалалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Зеро, жамиятимизни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича Ўзбекистон танлаган тараққиёт модели, мустақиллик йилларида тўпланган амалий тажриба, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг кенг иштирокини таъминлаш, бунда эса инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи инсон омилидир. Ижтимоий ҳимоя йилида кўзда тутилаётган устувор вазифалар барча сиёсий партиялар қатори O`zLiDeP олдига ҳам янги талабларни кўндаланг қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

— ислоҳотларнинг барча босқичида эришилган натижаларни халқ фаровонлигининг муттасил ўсиб бориши билан боғлаш;

— ҳар бир муҳтож одамга, биринчи навбатда, ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган шахсларга нисбатан амалий ғамхўрликни кучайтириш, "Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак!" деган шиор асосида фаолият юритиш;

— кам таъминланган аҳоли қатламини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун, авваламбор, мавжуд эҳтиёж ва имкониятлардан келиб чиқиб, муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер хўжаликларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароит яратиш;

— жамиятни эркинлаштириш борасидаги мақсадларга сиёсий ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш орқали эришиш мумкинлигини, O`zLiDePнинг бу борадаги аниқ ҳаётий позициясини ҳисобга олиб, жамиятимиздаги барча қатлам вакилларининг умумий манфаатларига тўлиқ мос равишда фаолиятимизни янада такомиллаштириш, хусусан, аҳоли орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини таъминлаш, "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш.

Мустақил тараққиёт йўлининг барча босқичлари бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ вазифалар қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётганидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялаш бўйича жиддий қадамлар ташланаётганидан далолат беради.

Мажлисда таъкидландики, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аввало, ушбу ўзгаришлар марказида турган инсон, унинг шахси, камолотига қаратилганлиги, жойларда амалга оширилаётган хайрли ишлардан мақсад фуқаролар фаровонлигини ошириш, улар турмушини енгиллаштиришдан иборат эканлиги доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, иқтисодиётда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш борасидаги муҳим ва устувор вазифалар зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, албатта. Бу борада мулкдорлар бизнинг асосий таянчимиздир. Улар жамиятдаги ижтимоий фаол, иқтисодий манфаатлари шаклланган, мамлакат бойликларини яратиш ва кўпайтиришдан, демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришдан, тинч ва барқарор ҳаёт сақланиб қолишидан бевосита манфаатдор бўлган табақа вакилларидир. Ҳаётнинг ўзи мазкур ижтимоий қатлам жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг моддий асосига, ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бораётганини исботлаб турибди.

O`zLiDeP электорати — тадбиркор ва фермерлар — ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида масъулият билан ёндашиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган кексалар доимий ғамхўрликдан баҳраманд.

"Давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" деган фикр Юртбошимиз маърузасида алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Биз буни асло унутмаслигимиз ва ўз дастурий мақсадларимизни амалга оширишда юқоридаги фикрларга таянишимиз лозим, албатта.

Маълумки, иқтисодий барқарорлик ошгани сари аҳоли турмуш даражаси юксалиб, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган юртдошларимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган дастурларни амалга ошириш имкониятлари кенгайиб боради. Бу эса кўзланган мақсадларга эришишда ҳал қилувчи омилдир. Қолаверса, ўзаро меҳр-мурувват ҳамда саховатпешаликни халқимиз табиатидан ажратиб бўлмайди.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси муносиб турмуш даражасига, тўқ ва фаровон яшаш имкониятига эга бўлиши керак. Ижтимоий ҳимоя йилининг асл моҳияти ҳам шундан иборат. Бу борада ҳаммамиз ва ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этилади. Хусусан, кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг самарадорлигини ошириш учун давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари, турли жамғармаларнинг сармояларини ҳам кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда саховатпеша инсонларнинг хайр-эҳсонлари асосида кўплаб нодавлат суғурта, хайрия фондлари ташкил этилган. Ижтимоий ҳимоя дастурларини амалга оширишда уларнинг ёрдамига таяниш ҳам фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Мажлисда, шунингдек, ҳар йилги тажрибадан келиб чиқиб, ҳокимият идоралари, вазирликлар, нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари, умуман, ана шу эзгу ишга ҳисса қўшишни истайдиган барча кишилар иштирокида "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича ишлаб чиқиладиган давлат дастурига таклифлар киритиш ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб олиш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Партия раҳбарияти, барча фаоллар ва аъзолар, парламентдаги фракция ва турли бўғиндаги депутатлик гуруҳлари вакиллари давлат раҳбари ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда янги йилда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайдилар:

биринчидан, ижтимоий ҳимоянинг қонуний базасини такомиллаштириш мақсадида партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ва депутатлик гуруҳлари таклифларини ишлаб чиқиш, бу борада кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий йўналишларига зарур тузатишлар киритиш ва энг муҳими — партия ташкилотлари, фракция, жойлардаги депутатлик гуруҳлари иш режаларини "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурида белгиланадиган вазифалар билан мувофиқлаштириш;

иккинчидан, жойларда ўтказиладиган партиявий йиғилиш ва давра суҳбатлари жараёнида тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа ижтимоий қатлам вакилларидан тушган таклиф-мулоҳазаларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, сиёсий таълим марказлари, бошланғич партия ташкилотларида Президент маърузасини кенг ва чуқур ўрганиш, шу йўл билан халқимиз, авваламбор, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат туйғуларини шакллантириш, миллий қадриятларимиз бўлмиш ҳомийлик ҳаракатини янада оммалаштириш.

Кўриниб турибдики, партиямиз олдида Ижтимоий ҳимоя йилида инсон манфаатлари билан боғлиқ кўпдан-кўп масъулиятли вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Уларни рўёбга чиқариш учун, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттиришимиз зарур".

Мажлисда юртдошларимиз бахт-саодати, эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш муҳим партиявий бурч эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУНОСАБАТ

Сиёсий партияларнинг имкониятлари кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун лойиҳасига жаҳон оммавий ахборот воситалари ва хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳо берилаётгани бежиз эмас. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги мазкур қонун лойиҳаси ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда демократия маданиятини янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлади.

Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Биз яхши биламизки, сиёсатнинг ўзаги, аввало, фуқаролардир. Яъни сиз билан биз. Қонун ва қарорлар қабул қилиш жараёнида, фуқаровий жамиятни барпо этишда партиялар фаол қатнашишлари шарт. Янги қонун лойиҳаси ана шундай имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, албатта. Маълумки, икки палатали парламентнинг Ўзбекистон заминидаги самараси ва ижобий таъсири жамиятда яққол сезилди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон парламентига киритган қонун лойиҳаси яна шуниси билан муҳимки, лойиҳа айнан парламентдаги партиялар фракциялари ҳамда мустақил депутатлар ўртасидаги соғлом рақобатнинг янада ривожланиши учун тўғри сиёсий технологиялар механизмларини ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатларини яратиб беради. Ҳар қандай сиёсий партия, аввало, ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади. Мазкур қонун лойиҳасида эса ана шу манфаатларни ифодалаш учун кенг имкониятлар кўзда тутилган. Яъни маҳаллий ва марказий ижро ҳокимиятини шакллантиришда, бош вазир ёки вилоят ҳокимини сайлашда партияларнинг роли кескин ошмоқда. Бундай тартиблар қатор ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Франция, Испания, Чехия, Греция ва бошқа давлатларда Президент томонидан тавсия қилинадиган бош вазир айнан сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари билан маслаҳатлашган ҳолда сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, янги қонун партиялар парламентда расмий мухолифат сифатида ижро ҳокимиятига конструктив таклиф ва мулоҳазалар билдириши ёки консенсус топиш ва уни жорий қилиш йўлларини кўрсатиб беради. Халқаро майдонда ҳам ушбу қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинаётгани, ушбу сиёсий воқеа жаҳон парламент давраларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Чунки Юртбошимиз ташаббуси Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотлардаги янги босқич жараёнлари жаҳон миқёсида ибратли амалиёт сифатида тан олинишига сабаб бўлаяпти.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ёшлар фаолликни қўллаб-қувватлашмоқда

Тошкент ш. Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини ёшларга кенгроқ тушунтириш мақсадида партиянинг барча ҳудудий кенгашларида туркум тадбирлар ўтказилмоқда.

O`zLiDeP "Ёшлар қаноти", Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигидаги навбатдаги учрашув Ёшлик талабалар шаҳарчасидаги "Маънавият ва маърифат" марказида ташкил этилди. Йиғилиш "Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштиришда ёшларнинг иштироки" мавзуига бағишланди.

Ёш экспертлар қонунлар лойиҳаларини иштирокчиларга янада осонроқ тушунтириш учун махсус слайдлардан фойдаландилар. Сўзга чиққанлар қонун лойиҳасининг кучга кириши "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" шиорининг амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Дастур белгилаб олинди

Самарқанд. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ва таъсирини оширишга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, мамлакат парламентининг икки палатали тизимга ўтганлиги амалда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари ўртасидаги кураш, соғлом рақобат муҳити кучайишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам партияларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролини янада оширишга қаратилгандир.

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркор ва ишбилармон доираларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусини давлат бошқарувини демократлаштириш сари ташланган дадил қадам, деб ҳисоблайди. Сўзга чиққанлар қонун лойиҳалари ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фавқулодда ҳодиса бўлмасдан, балки мустақиллик йилларида юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми эканлигини эътироф этишди.

Партия ташаббуси билан

Фарғона. O`zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар ривожланишининг истиқболли режаларини белгилаш, коммунал ва бошқа соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш ва янги замонавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган анъанавий тарзда ўтказилаётган Иқтисодий кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати, шаҳар фаоллари, ишлаб чиқарувчилар, солиқ тизими, банк ходимлари ҳамда халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этдилар.

Йиғилганларга мазкур кенгашнинг аҳамияти, унинг олдига қўйилган вазифалар ҳақида ахборот берилди. Ишлаб чиқарувчилар вакили, Қўқон шаҳар механика заводи директори Ш. Йўлдошевнинг фикрича, кенгаш ўз атрофига тадбиркор ва ишбилармонлардан ташқари, шу юрт учун фидойи бўлган барча инсонларни жамлаши мумкин.

Анжуманда Қўқон шаҳар ҳокими Ҳ. Каримов сўзга чиқиб, кенгаш фаолиятини янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

ЭЪЛОН

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЁАЖ ШАРТНОМА АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Республика Кўчмас мулк биржаси маъмурий биносига кириш-чиқиш жойларида тартибни сақлаш мақсадида 20 яшардан 30 яшаргача бўлган ёшлар шартнома асосида ишга таклиф этилади.

Хоҳловчиларга қўйиладиган талаблар: 20-30 ёш, жисмонан бақувват, бўйи 180 см.дан кам бўлмаслиги ва соғломлиги ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этиши лозим.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-"а" уй.
Тел: 399-84-48, 399-80-22.
Эслатма: аризалар ушбу эълон газетада чиққан кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилинади.

МИЛЛИЙ мафкура ҳар қандай халқнинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

ҚАРОР ВА ИЖРО

Миллий ғоя тарғиботи

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАР БИР ЗИЁЛИНИНГ ВИЖДОН ИШИДИР

Курраи заминдаги турли мамлакатларнинг тутган ўрни, иқтисодиёти, маънавияти уларда истиқомат қилаётган одамлар дунёқараши ва ўзаро муносабатларига бевосита боғлиқдир. Лекин шунга қарамай, бугунги халқаро атамашуносликда глобаллашув сўзи билан аталаётган ушбу жараёнда бирон-бир давлат ўз ҳолича тараққиётга эриша олмайди. Аммо биргина сўз билан ифодаланувчи глобаллашув жараёни турли давлатлар ҳаётига турлича таъсир ўтказаётгани ҳам бор гап. Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Ганди ўз вақтида "Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдартўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман" деган эди.

■ **Бахтиёр ИСОҚОВ, Маънавият ва маърифат кенгаши Наманган вилоят филиали тарғибот гуруҳи раҳбари, тарих фанлари номзоди**

Шу маънода уйимиз, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаш ва айни пайтда "довуллар"дан сақлаш учун халқимизда ватанпарварлик туйғуси ниҳоятда кучли бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса ҳар бир юртдошимиз миллий истиқлол ғояси мазмун-моҳиятини чуқур англаб етмоғи керак. Ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбига инсонпарварлик, одамийлик фазилатларини пайванд қилиш биз — зиёлилар учун энг муқаддас вазифадир. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорли таъсирчанлигини янада кучайтириш давлат аҳамиятига молик муҳим стратегик вазифадир. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам аслида таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. "Тарғибот" атамасининг ўзагини "рағбат" сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутади. "Ташвиқот" сўзи эса "шавқ" сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтирилгандир. Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад улар дунёқарашини шакллантиришгина эмас, балки кишиларни амалий ҳаракатга чорлаш ҳамдир. Масалага ана шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ғоялар ҳақида маълумот бериш билангина чекланмай, ушбу ғояларни амалда ҳаракатга келишига эришиш лозим. Ҳар қандай эзгу тилак, даъват эътиқодга айланган тақдирдагина улкан моддий куч ва қудратга эга бўлади.

Бугунги дунёни англашимиз, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этишимиз учун ер юзидаги турли халқлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларидан ҳам бохабар бўлмоғимиз даркор. Чунки ҳар қандай жамият, давлат биринчи галда, ўз манфаатларини қўзлаган ҳолда ҳаракат қилади. Уларнинг ғоялари бизнинг миллий манфаатларимизга мос келмаслиги ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам ёшларни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш давр талабига айланиб бормоқда. Миллий хавфсизликка таҳдид манбаи бўлмиш ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун аввало уларнинг қарашлари, ғоялари, фалсафаси мағзини чақа олишимиз, керак бўлганда, унинг ўзига қарши ишлата билишимиз лозим.

Жамиятга ёт, бегона ғоялар бирданига кира олмайди. Муҳолифлар, аввало, миллат азалдан ишониб келган қадриятларга бўлган ишонч, умидни сўндиришга ҳаракат қиладилар. Сўнгра жуда усталик билан миллий анъаналаримизни эскилик сарқитига чиқариб, обрўсизлантирадилар. Шу тарика мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади — миллат аждодлари, ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ муносабатда бўла бошлайди. Азалий анъаналарга амал қилинмай қўйилади ёки уларга нисбатан лоқайд муносабат шаклланади.Натижада қадрсизланган ғоялар аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади, ғоявий бўшлиқ юзага келади. Ғаниллар эса ана шу бўшлиқ ўрнини ўз ғояси билан тўлдириш ниятида бегона қадриятларни ўта жозибали қилиб тасвирлай бошлайдилар. Шу тарика бузғунчи ғоя "янгилик" сифатида қабул қилина бошлайди.

Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафаси ошкора кўзга ташланмайдиган, лекин маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган ана шундай хатарлардан биридир. Тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ушбу ғарбона тушунчани аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар "европача маданият" ва "эркинлик" сифатида қабул қилиб, алданиб қолишлари ҳеч гап эмас. Ушбу муаммо хусусида 1919 йилдаёқ Фитрат шундай ёзганди: "Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, ... бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмоқ ва уруғимизни қуритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир".

Миллий ғоя тарғиботида адабиёт ва санъатнинг роли ниҳоятда катта. Афсуски, ушбу йўналиш, айниқса санъат соҳасида олиб борилаётган ишлардан кўнгил тўлмаяпти. Аввало, тақлидчилик хасталигидан қутулиш зарур. Енгилелпи саҳна асарлари, ҳаётдан узоқ кинолар кўпайиб, жиддий санъатга эътибор сусайди. Тўғри, юмор ҳам, мутойиба ҳам керак. Аммо жиддий санъат уларнинг соясида қолиб кетмаслиги лозим. Чунки дид майдалашса, тафаккур ҳам майдалашади. Залворли фикр ва ғоялар, чуқур фалсафий-мушоҳадавий асарлар қабул қилинмай қолади. Бу эса ўз навбатида, фундаментал тадқиқотларга эътиборни сусайтириб қўяди. Ғоявий тарбияда барча жиҳатларга жиддий қараш шарт, бу борада майда-чуйда нарса бўлмайди.

Худди шунингдек, миллий ғоя тарғиботида зиёлиларга мўлжалланган нисбатан мураккаб ахборотлар билан тадбиркорлар кайфиятига таъсир этиб бўлмайди. Ёки ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, тижорат ходимларига ҳам, деҳқонларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг дунёқараши, манфаат ва тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламли онгига сингдириш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари учун фақат тегишли ташкилотларгина эмас, балки юртимизда яшаб, фаолият юритаётган барча зиёлилар ўзларини масъул, деб билишлари зарур. Зеро, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек: "Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир".

ДАВРА СУҲБАТИ

Якуний хулосалар ҳали олдинда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ушбу мулоқотларда иқтисодиётнинг реал секторида банд бўлган тадбиркорлар, йирик саноат корхоналари раҳбарларидан тортиб, кичик ва хусусий бизнес, хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, фермерлар — жами 1200 дан ортиқ юртдошларимиз қатнашдилар.

Учрашувлар жараёнида солиқ тизимида янги услуб ва усулларни кенг жорий этиш, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси меъёрларининг содда, халқчил, аниқ-равшан бўлишига эришиш, шунингдек, юридик шахслардан олинадиган даромад ва ягона солиқ ставкаларини камайтириш ва бошқа масалаларга оид 3000 дан ортиқ фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўртага ташланди. Кўпгина мутасадди идоралар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ушбу давра суҳбатларига алоҳида қизиқиш билан қараб, уларни юқори савияда ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатганликлари эътиборга лойиқдир.

Давра суҳбатлари доирасида тадбиркор ва ишбилармонларнинг имкониятлари ҳисобга олиниб, жойларда ишонч телефонлари ташкил этилди.

Ўтган вақт мобайнида ишонч телефонлари орқали уч юзга яқин фикр-мулоҳазалар ва таклифлар келиб тушдики, улар Солиқ кодексини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.Энг муҳими, O`zLiDeP электорати мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдирига бефарқ эмаслиги ҳамда ана шу жараёнларда фаол иштирок этаётганлигини яққол намоён этди. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бюртмаси бўйича "Ижтимоий фикр" маркази экспертлари томонидан давра суҳбатлари қатнашчилари орасида ўтказилган "фокус гуруҳ" шаклидаги социологик сўровлар фаолияти ҳам ниҳоятда самарали бўлди. Ушбу гуруҳлар томонидан 600 дан зиёд тадбиркор ва фермерларнинг Солиқ кодексига оид фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди.

Тадбирлар давомида 50 дан ортиқ "фокус гуруҳлар" ташкил этилди. Партия электоратининг ўзагини ташкил қилувчи тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида миқёси жиҳатидан бу қадар катта "фокус гуруҳий таҳлил" мамлакатимизда биринчи бор ўтказилишидир.

Давра суҳбатлари давомида тадбиркорлар билан банклар ўртасидаги муносабатлар, маҳаллий бошқарув идоралари томонидан улар фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, хўжалик судлари фаолиятида кузатилаётган камчиликлар хусусида холис фикрлар билдирилди.

Албатта, асосий хулосалар энди чиқарилади. "Ижтимоий фикр" маркази томонидан тўпланган барча материаллар чуқур таҳлил қилингач, муҳим таклифлар Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясига тақдим этилади.

Шунингдек, юқоридаги материаллар асосида "Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити — тадбиркорлар ва фермерлар нигоҳида" мавзуида таҳлилий ҳужжат тайёрлаш ҳамда уни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОДЕКС МУҲОКАМАДА

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисида: "...амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишнинг муҳимлиги бугунги куннинг устувор вазифаси ҳисобланади. Ушбу кодекс барча божхона процедураларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаши, ички бозорни паст сифатли контрабанда маҳсулотларининг кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши, тўғридан-тўғри амал қилувчи меъёрий ҳужжат бўлиши керак", — деб таъкидлаган эди.

Божхона хизмати мафкураси

■ **Ўз мухбиримиз**

Ана шу кўрсатма асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 февралдаги фармойиши билан тузилган идоралараро ишчи гуруҳ томонидан Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда 1999 йилги Киото, 1990 йилги Истанбул конвенциялари, Европа Иттифоқининг Божхона кодекси, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг Божхона кодекслари, амалдаги божхона қонунчилиги, республикамизнинг Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳаларидан фойдаланилди.

Дарҳақиқат, жаҳон иқтисодиётида товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ҳажми ўсиб бораётгани ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, хусусан, божхона назорати ва расмийлаштирувини, валюта назоратини ҳамда ташқи савдо статистикасини такомиллаштиришга зарурат туғилганини кўрсатмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилганлиги, шунингдек, "Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисида"ги шартнома тасдиқланганлиги ҳам давлатимизнинг ташқи савдо ва божхонага доир қонун ҳужжатларини иқтисодий ҳамжамиятнинг келишув ва битимлари билан уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

Давлат Божхона қўмитасининг "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган мажмуаси томонидан мазкур мавзуга бағишлаб ўтказилган анжуманда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, сиёсий партияларнинг вакиллари, олимлар, тадбиркорлар, мутахассислар иштирок этдилар. Унда янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш зарурати, уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш борасида олиб борилган ишлар хусусида йиғилганларга атрофлича ахборот берилди. Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Божхона кодекси, аввало, божхона расмийлаштируви ва назоратини соддалаштириш, Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашувига кўмаклашадиган божхона назоратини халқаро меъёр ва стандартларга мослаштиришни таъминлайди.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон адолатли, барқарор ва гуллаб-яшнаган жамият барпо этиш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлисга Қонунчилик ташаббуси тартибида киритган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари хорижий давлатларнинг экспертлари доирасида ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда.



Греция ҳукуматининг аҳлий маркази ҳисобланмиш МДҲ мамлакатларини ўрганишга ихтисослашган Пантеон университети Халқаро муносабатлар институти ҳузуридаги Россия ва Евроосиё маркази ҳам мазкур Конституциявий қонун лойиҳалари юзасидан муносабат билдирди.

Марказ директори, доктор Константинос Филис янги конституциявий қонун лойиҳаларида ижро ва қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги бўлиниш масаласига жуда аниқ ва равшан ёндошилган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, замонавий анъана ва реалликлар акс этган янги конституциявий қонун лойиҳаси амалда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ёш давлат бўлишига қарамасдан адолатли, барқарор ва гуллаб-яшнаган жамият барпо этиш йўналишида жуда жиддий қадамлар ташлади.

— Мен учун шу жиҳат эътиборга моликки, — дейди К.Филис, — мамлакат раҳбарияти янги қарорлар қабул қилишда ўз халқининг анъаналари, урф-одат, тамойил ва қадриятларини ҳисобга олади. Бу миллий ўзига хослик асраб-авайланаётганини англатади. Миллий ўзига хосликка ана шундай муносабат ҳозирги глобаллашув даврида фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Бор-йўғи ўн беш йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтган Ўзбекистон жуда тўғри йўналиш бўйлаб ҳаракат қилмоқда. У кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш, гуллаб-яшнаш йўлидан оғишмай одимламоқда.

Профессор К.Филиснинг фикрига қараганда, ўз навбатида Ғарб Ўзбекистоннинг ўзига хосликларини, яъни халқининг тарихи, маданияти, менталитети ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда демократик жамият қураётганини тўғри ва теран тушунмоғи лозим.

«Жаҳон» АА, Афина шаҳри

ИҚТИСОДИЁТ

ДАВЛАТ оладиган солиқлар керакли тармоққа сарфланган тақдирда фаровонликка эришилади

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Кўза... кунида синади

Маълумки, бугунги туб ўзгаришлар жараёнида солиқ сиёсатини такомиллаштириш, унинг рағбатлантирувчи ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар чуқурлаштирилиб, жойларда солиқ "юки"ни босқичма-босқич камайтириш, корхона ва ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар учун янги имкониятларни вужудга келтириш чоралари кўрилмоқда.

Якунланаётган йилда солиққа тортиш механизмини соддалаштириш, нақд пул тушумларининг банкдан ташқари муомаласини тартибга солиш бўйича қандай натижаларга эришилди? Яқин келажакдаги режалар нималардан иборат?

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Умрзоқ КОСБАЕВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

■ Носир ТОШЕВ ёзиб олди

— Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда солиқ тизимининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, кейинги йилларда назорат тартибидаги текширишларнинг кескин қисқартирилганлиги тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатига тўла мос бўлиб тушмоқда. Улар эркин фаолият юритиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тобора кенгроқ имкониятларга эга бўлмоқдалар. Бу эса юртимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 11 августда бўлиб ўтган мажлисида 2007 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсати муҳокама қилинганидан хабарингиз бор, албатта. Унга мувофиқ, келгуси йилдан даромад (фойда) солиғини 12 фоиздан 10 фоизга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўртача миқдорини 20 фоиздан 18 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини 13 фоиздан 10 фоизга камайтириш мўлжалланмоқда. Бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни вужудга келтириши шубҳасиз.

Солиқ сиёсати фаоллик ва изчилликни талаб этади. Иқтисодий жараёнлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда нақд пул айланишини тартибга солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, туманимизда савдо тушумларининг банк муассасалари орқали айланишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад нақд пул муомаласини такомиллаштириш, иқтисодий қонунбузарлик ҳолларига йўл қўймасликдир.

Афсуски, ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Мавжуд қонун-қоидаларни менсимай, ўз билганича иш тутаётган шахслар ҳам учраб турибди. Биз уларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли чоралар кўришга ҳаракат қилаяпмиз. Республика ҳукуматининг юқоридаги қарори асосида жойларда 26 та текшириш ўтказилди. Натижада 8 та ҳолатда назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик, 4 та ҳолатда кирим қилинмаган маҳсулотларни сотиш, 12 та ҳолатда нақд пул тушумларини яшириш каби камчиликлар аниқланди. Жумладан, тумандаги "Шоҳсанамбегим" хусусий фирмасига қарашли савдо дўкони сотувчиси О. Бобосаидованинг айби билан харидорга 3 минг сўмлик савдо чеки берилмаган. НКМдан фойдаланмаганлиги учун дўкон сотувчисига нисбатан 940 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилди. "83-дорихона" МЧЖга қарашли дорихона сотувчиси Г. Абдураҳмонова харидорга 750 сўмлик савдо чекини бермаган ва нақд пулни назорат-касса машинасидан ўтказмаган. Бу хатоси учун сотувчи энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида молиявий жаримага тортилди.

Туман ҳудудидаги "Пойдевор" масъулияти чекланган жамиятда ўтказилган текшириш давомида 512,5 минг сўм миқдоридаги маблағ банкка топширилмасдан бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилганлиги маълум бўлди. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Йўл қўйилган хато корхона раҳбарларига қимматга тушди. Яъни уларга нисбатан тегишли тартибда молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Афсуски, бунга ўхшаш мисоллар оз эмас. Шахсий манфаатини ўйлаб, қонунбузарлик ҳолларига йўл қўяётган шахслар ҳам учраб туради. "Ҳамза" фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи М. Қурбонова ўз хонадонида қолипли нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келган. Текшириш давомида ҳаммаси ошкор бўлди. Бу ҳақдаги ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун туман судига юборилди. "Қўрғонча" қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Ф. Камолованинг қилмиши ҳаммасидан ошиб тушади. У ўз хонадонида яширин тарзда минерал ўғит, уруғлик чигит ва спиртли ичимликлар савдосини йўлга қўйган. Кўза кунда эмас, кунида синади, дейдилар. Ҳозирда фуқаро Ф. Камоловага нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Кўринадики, солиқ назоратини такомиллаштириш йўлида ҳали кўп ишлашимиз ва изланишимиз лозим. Давр ўртага қўяётган талаблардан келиб чиқиб, янги йилда аниқ мақсад ва режаларни кўзда тутаяпмиз. Асосий мақсад эса битта: у ҳам бўлса, жойларда солиқ сиёсатининг изчиллигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

ТИББИЁТ

Соғлиғимиз ўз қўлимизда

2000 ЙИЛДА САЙЁРАМИЗ УЗРА 30 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ҚИЗАМИҚ ҲОЛЛАРИ КУЗАТИЛГАН БЎЛИБ, БУ КАСАЛЛИК ТАХМИНАН 770 МИНГ НАФАР ИНСОННИНГ ҲАЁТДАН БЕВАҚТ КЎЗ ЮМИШИГА САБАБ БЎЛГАН

"Мазкур касалликлардан фақат ўз вақтида эмлаш йўли билангина ҳимояланиш мумкин". Пойтахтимиз кўчаларида шундай эълон пайдо бўлди. Қизамиқ ва қизилча каби касалликларнинг олдини олишга чорловчи ушбу эълонни шарҳлаб беришни сўраб, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат этдик.

■ Ёлқин РАҲИМОВ



— Асосий мақсад аҳолини қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши эмлаш, уларни аниқлаш ва тарқалишининг олдини олишдир, — деди вазирликнинг ДСНЭМ мутахассиси Дилором Турсунова. — Акция пойтахтимизда биринчи маротаба 15-25 декабрь кунлари вазирлик мутахассислари томонидан барча тиббиёт муассасаларида ўтказилади. Унда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 10 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқаролар исталган поликлиникада мазкур касалликларга қарши ўзларини эмлатишлари мумкин. Аҳолини халқаро сифат стандартига эга вакцина билан эмлаш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малакали мутахассислари томонидан бепул амалга оширилади. Аслида республикамизда қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш ишлари 1995 йилдан бери ўтказиб келинмоқда.

Хўш, қизамиқ ва қизилча хасталиклари инсон соғлиғи учун қанчалар хавфли? Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, қизамиқдан ўз вақтида даволанмаган одамлар ўпка яллиғланиши, асаб тизимининг шикастланиши, қоларверса, карлик ва кўз ожизлиги хасталикларига чалинишлари мумкин. Қизилча эса бевосита она-бола соғлиғига жиддий салбий таъсир этади.

Вакцина акцияси мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, USAID ва UNICEF каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Шайҳонтоҳур туманидаги 14-оилавий поликлиникада бўлиб ўтди. Унда республика соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл ва UNICEF нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссаини иштирок этдилар.

— Эмлаш болаларнинг сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи бажарилишининг муҳим қисми ҳисобланади. У бутун жамиятни қизамиқдан ҳимоя қилиш усули ҳамдир,-дейди UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссаини. Таъкидлаш керакки, Тошкент учун зарур бўлган 750 мингта қизамиқ-қизилча вакцинаси ҳамда шприцлар USAID томонидан тақдим этилган. Касалликларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш марказлари тузган маҳаллий эпидемиологлар гуруҳи вакцинация компаниясини мониторинг қилиб борадилар. Мутахассисларнинг айтишича, қизамиқ профилактикасига сарфланган маблағ ўзини тўла оқлайди, чунки бу ўринда гап инсон ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, 2000 йилда сайёрамиз узра 30 миллионга яқин қизамиқ ҳоллари кузатилган бўлиб, бу касаллик тахминан 770 минг нафар инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлган.

Соғлиғимиз ўз қўлимизда. Унга эътиборли бўлайлик, ўз вақтида касалликнинг олдини олишга қаратилган ушбу тадбирдан четда қолмайлик.

БАНК ТИЗИМИ

Дастурхонимиз тўкинлиги, нозне-ъматлар бисёрлиги деҳқону чорвадор, боғбону ғаллакорлар меҳнатининг самараси, албатта. Айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бутун юкини ўз елкасига олган фермерлар иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, молиявий кўмак беришда тижорат банклари, жумладан, АТ "Ғаллабанк"нинг ҳам аҳамияти ортиб бораяпти.

Молиявий кўмак — юксалишга қанот

«ҒАЛЛАБАНК» ВА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ФИЛИАЛЛАРИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

■ Ориф ЎЛМАСОВ, «XXI asr» мухбири

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ушбу банк вилоят филиали жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Филиалда қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш механизми яхши йўлга қўйилган. Шу боис фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланадиган иш ҳақидан тортиб, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялайдиган кимёвий воситалар, ёнилғи-мойлаш материаллари, МТП учун харажатлар, электр энергияси учун тўловларни расмийлаштиргача барча хизматлар бугунги кун талаблари даражасида кўрсатилаяпти. Натижада банк мижози ҳисобланмиш фермер хўжаликлари фаолияти ривожланиб, улар давлатга маҳсулот сотиш режаларини муваффақиятли бажариб келмоқдалар.

Айни пайтда банкнинг вилоятдаги филиаллари 234 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатаяпти. Жорий йилда мижозларга бевосита ғалла етиштириш харажатлари учун 596 млн. сўмлик кредит берилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 512,7 млн. сўмга кўп демакдир.

Ажратилган маблағларнинг 10053 млн. сўми олинган имтиёзли кредитларни қайтариш, 1155 млн. сўми МТПлар томонидан кўрсатилган хизматлар, 6042 млн. сўми нефтъ маҳсулотлари ва минерал ўғитлар учун, 442,8 млн. сўми эса келгуси йилда олинадиган уруғлик ва 5400 млн. сўми солиқ, мажбурий тўловлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш харажатлари учун йўналтирилди. Шунингдек, 2007 йил ғалла ҳосилини етиштириш учун вилоятдаги филиаллар томонидан 294 фермер хўжалигига 166,5 млн сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. АТ "Ғаллабанк" томонидан ҳукумат қарорлари асосида ишлаб чиқилган дастурлар амалда зиёдаси билан бажарилди. Жумладан, тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида янги ташкил этилган фермер хўжаликларига ҳисоб варақларининг очилиши, хизмат турларининг кенгайтирилиши, лизинг ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, микрокредитлар бериш каби қатор қулайликлар яратилгани туфайли мижозлар мўмай даромад олишга эришдилар.

Мижоз манфаати йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Ўтган бир йил давомида улар сони 500 тага етди ёки 42 фоиз ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215 сонли ва 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255 сонли қарорлари асосида тугатилаётган паст рентабелли, истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилгани, уларга банк томонидан ҳисоб варақлари очилгани боис вилоятда фермер хўжаликлари сони кескин кўпайди. Янги ташкил этилган 70 та фермер хўжалиги "Ғаллабанк" мижозига айланди.

Банк филиали, шунингдек, 392 та фермер хўжалигига пахта хом ашёси етиштириш учун 2425 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Ушбу молиявий кўмак эвазига қатор хўжаликлар мўлжалдагидан зиёд ҳосил етиштириб, мамлакат пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Вилоят ғаллакорлари эса филиал кўмаги билан Германиянинг "Класс" компаниясида ишлаб чиқарилган 6 та "Доминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайнига эга бўлдилар. Лизинг асосида келтирилган ушбу комбайнлар келаси йил мавсумида ишлатиш учун шай қилиб қўйилди.

Банк филиали чекка ҳудудларда жойлашган фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш, уларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида минибанклар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Айни пайтда Норин туманида "Норин" ва "Ғалаба", Учқўрғон туманида "Қўғай" ва "Чорвадор", Поп туманида "Қизилтепа" ва "Чуст" минибанклари ишлаб турибди. Улар томонидан якунланаётган йилда 1 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, фермер хўжаликларида пахта ва ғалла ҳосили етиштириш учун мустаҳкам иқтисодий замин яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, АТ "Ғаллабанк" Наманган филиали жамоаси янги — 2007 йилни салмоқли ютуқлар ва режалар билан кутиб олмоқда.

БИЗ УЧУН ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

МУВАФФАҚИЯТ ЕТАКЧИ ТАШАББУСКОРЛИГИГА БОҒЛИҚ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МАҚСАДГА ЯҚИНЛАШГАН САРИ МАШАҚҚАТ ҲАМ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ

Масъулиятни ҳис этаяпмизми?

«САРБОННЕФТЕГАЗ» ОАЖ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ҚАҲРАМОН МУРОДОВНИНГ ФИКРИЧА, ҲАР ДОИМ ҲАМ АНА ШУ САВОЛГА ИЖОБИЙ ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ ҚИЙИН

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг салмоғи кундан-кунга ошиб бораяпти. Улар жамиятни демократлаштириш, ислоҳотларни жадаллаштиришда етакчи куч бўлишлари лозим. — O`zLiDeP ҳам ўз ғоя ва мақсадлари ҳаётийлиги йўлида фаол изланаяпти, — дейди Қ. Муродов. Айниқса партиянинг таянч бўғини бўлган БПТлар ҳар жабҳада ташаббус кўрсатишлари, омма орасига чуқурроқ кириб боришлари лозим.

■ **Дониёр КАМОЛОВ, «XXI asr» мухбири**

Зеро, сиёсий фаоллик янги муваффақиятлар гаровидир. Жамоамиз "Ўзбекнефтегаз" тасарруфидаги корхоналарга транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. 80 та юк ташувчи, 160 га яқин енгил автомобилга эгамиз. Йилни 150 млн. сўм соф фойда билан якунлаш режалаштирилмоқда.

— Эришилаётган ютуқларда партия фаолларининг муносиб ҳиссаси бор, деб бемалол айтиш мумкин. Тўғри, сафимиз унча катта эмас. Лекин хайрихоҳларимиз, тарафдорларимиз истаганча топилади. Отабек Алимов, Хайрулла Шарипов, Қаҳрамон Эргашев ва бошқалар барча соҳада маслакдошларига ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган.

Сўнгги йилларда ёнилғи нархи анча кўтарилгани корхона иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан бензин ўрнига сиқиқ газдан фойдаланиш таклифи ўртага ташланди. 38 нафар ҳайдовчи шу асосда қайта ўқитилди. Иқтисодий самара чакки бўлмади. Келгуси йилдан жамият тасарруфидаги барча транспорт воситаларига газ мосламаси ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Бу эса қўшимча манфаатдорлик, демакдир. Айтайлик, ҳозир ўртача ойлик маош 200 минг сўмни ташкил этса, газ ёнилғисига ўтилгач, ҳар бир ҳайдовчи ойига 400 минг сўмгача маош олиш имкониятига эга бўлади.

Қаҳрамон МУРОДОВ, 1970 йили Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Ҳозирги кунда «Сарбоннефтегаз» очиқ акциядорлик жамиятида хизмат қилади. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Партия етакчисининг фикрича, одамларда партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, тарафдорлар сафини кенгайтириш учун ҳали кўп изланиш лозим. Бу, биринчи навбатда, фаоллардан алоҳида масъулият талаб этади. Лекин айрим маслакдошларимиз ана шу масъулият ҳақида баъзан ўйлаб ҳам кўрмаяптилар. Бу энг катта хатоимиздир.

— Мана, 2006 йил ҳам охирлаб бормоқда. Ҳар бир етакчи шундан келиб чиқиб, ўз-ўзига ҳисоб бериши, келгусидаги режаларини ойдинлаштириб олиши лозим, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. Етакчилик — шахсан мен учун ўзига хос ҳаёт мактаби бўлди, десам адашмайман. Жамиятда ўз ўрним борлигини англаб етдим. Ватан равнақи, омма манфаати йўлида ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Очиғи, партияга имкониятимиз даражасида хизмат қила олганимизча йўқ. Давр эса янги талабларни кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, "Ижтимоий ҳимоя йили"да янада фаолроқ бўлишимиз, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, қатъият билан иш юритиб, O`zLiDePнинг обрў-эътиборини ошириш, эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишдир.

Деновлик маслакдошлар

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЙИЛНИНГ «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИДА КАТТА МАЪНО БОР, ДЕЯ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳозирги кунда биз бозор тамойилларига асосланган ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Ана шу жараёнда халқимизга хос бўлган саховат, бағрикенглик фазилатлари яққолроқ намоён бўлмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан кириб келаётган йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили", деб эълон қилиниши кўплаб юртдошларимиз қалбида акс-садо бериб, уларни эзгу амалларга ундамоқда.

■ **Х. МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири**

Аслида биз Деновга "Лочин" фермер хўжалиги ҳузуридаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолияти билан танишиш истагида борганмиз. Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари тўғри экан. Хўжалик раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Аҳмад Нарзуллаев Юртбошимизнинг Конституция қабул қилинган кунининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан руҳланиб, ҳайрли ишга қўл урганини эшитдик. Яъни унинг саъй-ҳаракати билан 15 хонадонга мўлжалланган икки қаватли турар-жой биносига пойдевор ташланибди.

Фермер хўжалиги ҳузуридаги бошланғич партия ташкилоти фаолиятига келсак, айни кунда у ўз сафида 80 нафар аъзони бирлаштирган. Улардан ўн нафари хотин-қизлардир. Бўри Менгбоев етакчилигида БПТ йиғилишлари юқори савияда ўтказилиб, уларда фаолларнинг кенг иштироки таъминланаяпти. Хусусан, жамоа ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари кўрилаётгани эътиборга моликдир.

— Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳеч биримиз бефарқ эмасмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Хусусан, Президентимиз томонидан кириб келаётган йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили", деб эълон қилинишида катта маъно бор. Биз шундан келиб чиқиб, ўз режаларимизни белгилаб олдик. Мақсад аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Бўри МЕНГБОЕВ, Маълумоти — ўрта махсус. Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалигида таъминотчи бўлиб ишлайди. БПТ раиси.

Табиийки, бу партия фаолларидан алоҳида ғайрат ва ишчанликни талаб этади. Чунки кўзланган мақсадларга эришиш осон эмас. Қолаверса ижтимоий ҳимоя O`zLiDePнинг дастурий мақсадларидан биридир. Хўжалик раҳбари, партия фаоли А. Нарзуллаев бу борада шахсий намуна кўрсатмоқда. Чунончи, хўжалик маблағи ҳисобидан барча қулайликларга эга бўлган мактаб, қишлоқ врачлик пункти, стадион барпо этилди. Икки қаватли уй қурлиб, кам таъминланган 8 та хонадонга туҳфа этилди. "Ҳитоян" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги йўллар кенгайтирилди ва қайта таъмирланди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да замонавий "Саломатлик" маркази бунёд этилди, бунинг учун 360 миллион сўм маблағ сарфланди. Марказда хизмат қилаётган 10 нафар тиббиёт ходимининг моддий таъминоти ҳам фермер хўжалиги зиммасида.

Бундай савоб ишлар, табиийки, хўжалик аъзоларининг ҳалол меҳнати ва холис интилишлари туфайли рўёбга чиқмоқда. 300 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштирилиб, юқори ҳосилдорлик эвазига мўл-кўл даромад олинаяпти. Қарийб бир ярим минг бош қорамол меҳр билан парвариш қилинаётир. Чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган минизаводларда эртаю кеч ҳаёт қайнайди.

— Мавриди келганда яна бир нарсани айтишим керак, — дейди Б. Менгбоев. — Яқинда 250 нафар ногирон учун дастурхон ёзилиб, уларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилди. Жумладан, 8 нафарига махсус аравачалар совға қилинди. Бу ҳам бўлса, ҳомийлик ижтимоий ҳимоянинг бир кўринишидир.

Бир сўз билан айтганда, деновлик фаолларнинг партиявий бурчга садоқати амалий ишларда намоён бўлаяпти. Натижада тарафдорлар сафи кенгайиб, O`zLiDeP ғоялари ва мақсадларига нисбатан ишонч мустаҳкамланмоқда.

НАВБАТ — «ОСИЁ-2007»ГА!

19 ДЕКАБРЬ КУНИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИНИНГ ФИНАЛ ҚИСМИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

12- САҲИФАДА

— Маҳалламизда 815 та оила истиқомат қилади, — дейди O`zLiDeP аъзоси, маҳалла фаолларидан бири Гулбаҳор Бердиева. — Уларнинг қувонч ва ташвишига ҳамиша шерикмиз. Бошланғич партия ташкилотимизда 8 киши ҳисобда туради. Фуқаролар йиғини раиси Амангелди Адилов айни пайтда БПТ етакчиси ҳамдир. Маҳаллада унинг обрў-эътибори баланд.

Ўзингни одамларга яқин тут

«ҚУМОВУЛ» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИНИНГ ҲАЁТИЙ АҚИДАСИ АНА ШУНДАЙ

■ **Бахтиёр ИБРАГИМОВ, «XXI asr» мухбири**

Фақат раис бўлгани учун эмас, албатта. Амангелди оға бошчилигидаги маслакдошлар аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга жиддий эътибор қаратишмоқда. Бирон бир тадбир йўқки, унга бошланғич партия ташкилоти ташаббускор ёки бошқош бўлмаган бўлсин.

Суҳбатимиз шу ерга етганда Амангелди оғанинг ўзи ҳам кириб келди. Унинг қатъиятли, тиниб-тинчимас инсон эканлиги юз-кўзларидан англашилиб турарди.

— Маҳалла ҳам катта бир оиладек гап. Ўзига яраша аньаналари, муаммолари бор. Аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишимиз лозим. Шаҳар партия кенгаши билан шу хусусда келишиб олдик. Насиб этса, янги йилдан бошлаб маҳалламизда яшовчи 10 киши муҳим иш жойига эга бўлади.

— Маҳалла ташвишлари бир кишининг ўзига етиб ортади. Партиявий-сиёсий ишлар бир четда қолиб кетмаяптими?

— Аксинча, фуқаролар йиғини раиси эканлигим партиявий фаолиятимда жуда қўл келаяпти, — дейди БПТ етакчиси. — Ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат O`zLiDeP дастурий ғояларига тўла мосдир. Масалан, ўтган ҳафтада фуқаролар йиғини ва бошланғич партия ташкилотининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланган қўшма йиғилишини ўтказдик. Унда маҳалла фаоллари билан партия аъзоларининг фикри бир жойдан чиқди. Бошланғич ташкилотимиз O`zLiDePнинг асосий ҳужжатида белгилаб қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилда ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий кўмакка мухтож оилаларга 2 млн. 552262 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Сўнгги икки йил ичида фаоллар саъй-ҳаракати билан 4 км. масофага газ тармоқлари тортилди, деярли ҳар бир хонадонга газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилди, 2,5 км. дан зиёд масофага сув қувурлари тортилди. Касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга жиддий аҳамият берилаётир. Ана шуларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилоти тимсолида O`zLiDeP нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

«XXI asr» газетаси таҳририяти «Бошланғич партия ташкилотларида» иловаси 2007 йилда ҳам изчил чоп этилишини маълум қилиб, БПТ ҳаётига оид янгиликлардан, муҳим изланиш ва ташаббуслардан доимий равишда хабардор бўлишга чақиради.

... ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Давр билан ҳамқадам

БЎЛГАН ПАРТИЯГИНА ЭЛ-ЮРТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНА ОЛАДИ

Ҳар қандай сиёсий партия ўз ғояларининг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги билан кучлидир. Қуйи бўғинларнинг самарали фаолият юритиши эса кўп жиҳатдан етакчиларнинг жонкуярлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.

"Косонёғэкстракция" қўшма корхонасида бўлганимизда бошланғич партия ташкилоти раиси Зокир Ҳақбердиев ҳақида илиқ гапларни эшитдик. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди, деган гап бор. Одамлар ташвиши билан яшашнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Зокиржон ана шундай фидойи, тиниб-тинчимас йигит. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга одатланган.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

... Бошланғич партия ташкилоти хонасига кирганимизда қизғин мулоқотнинг устидан чиқдик. O`zLiDePнинг бўлажак аъзолари билан суҳбат ўтказилаётган экан. Фаолларнинг кўпчилиги шу ерда. Хона дид билан безатилган. Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, депутатлар, партия фаоллари ва сайлов тўғрисидаги маълумотлар, сиёсий мавзудаги турли адабиётлар кўпчиликда қизиқиш уйғотиши турган гап.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда корхонада 120 нафар O`zLiDeP аъзоси меҳнат қилмоқда. Улар асосий ишлаб чиқариш цехлари раҳбарлари ва мутахассислари бўлиб, ҳалол меҳнатлари билан эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаяптилар. "Косонёғэкстракция" қўшма корхонаси бир кеча-кундузда 700 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Замонавий технологияларни жорий этиш натижасида бу кўрсаткич 771 тоннага етказилди. 11 ой давомида 104 минг 43 тонна чигит қайта ишланиб, 16 минг 194 тонна тозаланган пахта ёғи, 624 тонна хўжалик совини ишлаб чиқарилди. Корхона билан вилоятда фаолият кўрсатаётган 8450 та фермер хўжалиги ўртасида шартнома тузилган. Янги ҳосил ҳисобидан уларга 7612 тонна шелуха ва 8406 тонна шрот етказиб берилди.

Бу ишларни амалга оширишда партия фаолларининг ўзига яраша ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, БПТ фаолиятини йўлга қўйишда Рисолат Хўжаева, Эшдавлат Жўраев, Илҳом Ғуломов, Шерали Йўлдошев, Сайфулло Каромовларнинг хизматини алоҳида тилга олиш мумкин. Улар ўз хизмат вазифаларидан ташқари партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида ҳам куч-ғайратларини аямаётирлар. Чунончи, Сайфулло Каромов фермерларга техника хизмати кўрсатиш, уларни минерал ўғит ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар ташкил этиш борасидаги муаммоларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашаётган бўлса, Рисолат Хўжаева хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига бош-қош.

Партия фаолларининг кўмаги билан Косон шаҳрида ичимли сув таъминотини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда чорва моллари сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш чоралари кўрилаяпти. Буларнинг ҳаммаси O`zLiDeP келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўзида "Месит" маҳалласида бир қатор қурилиш ва ободонлаштириш, хайру саховат тадбирлари амалга оширилдики, улар бевосита БПТ фаолларининг самарали меҳнати ва изланишлари маҳсулидир.

— Биз Зокир Ҳақбердиевни туман кенгаши депутати этиб сайлаб, янглишмаган эканмиз, - дейди "Месит" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Холиқов. — У ишончимизни оқлади. Маҳалламизда 3600 киши истиқомат қилади. Депутатимиз ташаббуси билан янги нонвойхона, маҳалла гузари барпо этилди. Очиғи, биз илгариги депутатларни ойлаб, ҳатто йиллаб кўрмасдик. Зокиржон эса элга қайишгани-қайишган. Бугун маҳалламиздаги кўпчилик тадбиркор ва ишбилармонлар O`zLiDeP аъзосидир. Улар ўзаро ҳамкорликда "Месит"ни тумандаги обод ва фаровон маҳаллалардан бирига айлантиришга жазм этишган.

... Бундан бир неча йил муқаддам маҳаллий аҳоли бошланғич партия ташкилотига болалар боғчаси 50 йил муқаддам қурилган хароба бинода жойлашганлиги, бозор йўқлигини маълум қилиб, амалий ёрдам сўрашганди. Ишга катта-катта идоралар аралашди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаганди. Ғайрат ва ташкилотчиликда гап кўп экан. БПТ раисининг саъй-ҳаракати билан 90 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилиб, маҳалладошларга туҳфа этилди.

— Одамлар ташвиши — бизнинг ташвишимиз, — дейди Зокир Ҳақбердиев. — Агар қалбда иштиёқ бўлса, ҳамма нарсани уддалаши мумкин. Саховат кўнгилларни нурафшон айлайди, ишингизга барака келтиради, ҳаётингизга бетакрор мазмун бағишлайди. Президентимиз томонидан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили", деб эълон қилиниши барчамизни тўлқинлантириб юборди. Келгусида тумандаги барча маҳаллаларда партия аъзолари — бўлган тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида саховат тадбирлари ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Хусусан болалар спортини ривожлантириш бўйича бир қатор режаларимиз бор. Баркамол авлод ҳаётимиз давомчиларидир. Бинобарин, уларнинг тарбияси йўлида ғамхўрлик кўрсатиш зиммамизга алоҳида масъулият юклашини унутмаслигимиз лозим.

Бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш учун жиддий изланаяпмиз.Бу борада турли сиёсий адабиётлар, O`zLiDeP нашри — "XXI аср" газетасида чоп этилаётган материаллар жуда қўл келмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун махсус стенд тайёрлашни йўлга қўйдик. Унда партия аъзоларининг фаолияти жиддий таҳлил этилади, илғорлар рағбатлантирилиб борилади. Шу ўринда бир таклиф. Жойларда тез-тез кўргазмали семинарлар ёки "Энг намунали БПТ" мавзуида мусобақалар ташкил этилса, етакчиларнинг билим ва тафаккури янада бойиган бўларди, деб ўйлайман. Чунки интилиш ва ташаббус бўлган жойда ютуқлар кўпайиб, ғоявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлиги ошиб бораверади.

Зокир ҲАҚБЕРДИЕВ,
1971 йили Косон шаҳрида туғилган. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини битирган. Ҳозирги кунда "Косонёғэкстракция" қўшма корхонаси маъмурий хўжалик бўлими мудири, бошланғич партия ташкилоти раиси.



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР,
ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ БЎЛГАН ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ!

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2007 ЙИЛ БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ҲАМ ЎТАЁТГАН ЙИЛДАГИДЕК СИЗЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ БАХТ ВА ҚУВОНЧ ОЛИБ КЕЛСИН. ВАТАНИМИЗДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМ СУРАВЕРСИН, ХОНАДОНЛАРИМИЗДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ҚУТ-БАРАКА АРИМАСИН!

ҚУТЛОВ


«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»
ОНА-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ — 2007 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИ ЯНАДА ТЎКИН, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН, ДЕЯ НИЯТ ҚИЛАМИЗ.
Yangi yil bilan!

СЎНГГИ САҲИФА

АГАР ўзингизга душман орттиришни истамасангиз, одамлардан устунлигингизни сездирманг

ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИ

Навбат — «Осиё-2007»га!

Сешанба куни Осиё Футбол конфедерациясининг Куала-Лумпурдаги қароргоҳида 2007 йили Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам мамлакатларида ташкиллаштириладиган қитъа биринчилигининг финал қисмига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

■ Шуҳрат ХЎЖАЕВ

Унда Ўзбекистон миллий жамоаси гуруҳ баҳсларида Малайзия, Хитой ва Эрон футболчилари билан беллашиши аниқланди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: келаси йилнинг 7-29 июль кунлари ўтказиладиган мусобақаларда Осиёнинг энг кучли 16 та терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун кураш олиб боради. Гуруҳда энг яхши натижага эришган икки жамоа чорақфиналга йўл олади. Мусобақанинг очилиш маросими Таиланд пойтахти — Бангкокда ўтказилса, яримфинал матчлари Малайзия ва Вьетнам майдонларида, финал учрашуви эса Индонезия пойтахти — Жакартада бўлиб ўтади.

Футболчиларимиз гуруҳдаги барча учрашувларини Малайзияда ўтказадилар. Жумладан, терма жамоамиз 11 июль куни Эрон терма жамоасига қарши майдонга тушса, уч кун ўтиб, мезбон — Малайзия, 18 июлда эса Хитой футболчилари билан беллашади.

«Осиё-2007» биринчилиги иштирокчиларининг гуруҳларга бўлинган ҳолати

«А» гуруҳи: Таиланд, Уммон, Ироқ, Австралия.
«В» гуруҳи: Вьетнам, Қатар, БАА, Япония.
«С» гуруҳи: Малайзия, Ўзбекистон, Хитой, Эрон.
«D» гуруҳи: Индонезия, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Жанубий Корея.

БОКС ОЛАМИДА



Бош ролда — жаҳон чемпиони

Газетанинг аввалги сонларида ҳамюртимиз Руслан Чагаев билан мажбурий жанг ўтказиши керак бўлган россиялик боксчи Николай Валуевнинг бўлажак беллашувга жиддий тайёргарлик кўраётгани, жумладан, 2007 йилнинг январида америкалик Жамил Маклайнга қарши рингга чиқиши ҳақида ёзгандик.

Қатор ОАВда хабар берилишича, ҳозирги чемпион мухлислари кўнглига чуқурроқ кириб бориш ҳамда ўз номини оммага янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида ўтган асрнинг 90-йилларида Россияда бўлиб ўтган воқеалар асосида суратга олинган "Тартиб-қоидасиз олишувлар" деб номланган фильмда бош ролни ижро этди. Айни пайтга келиб, картинани суратга олиш жараёни ниҳоясига етди. Айтиш мумкинки, фильмда деярли ўзини ўйнаган Валуев образни талқин этиш жараёнида унчалик қийинчиликка дуч келмади. Сценарий бўйича бош қаҳрамон — сибирлик паҳлавон катта шаҳарга кўчиб келиб, ҳеч қандай қоидаларсиз ўтказилган жангларда рақибларини енгиб, пул топади.

Пеле ва Миржалол издошлари

18 декабрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида йилнинг энг яхши футболчисини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Халқаро футбол федерациялари уюшмаси (ФИФА) қарорига кўра, бундай номга Италия терма жамоаси ҳимоячиси — Фабио Каннаваро сазовор бўлди. Жорий йилнинг ёзида ўз жамоаси билан жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Каннаваро бразилиялик Роналдиньо ва франциялик Зайниддин Зиданни ортда қолдирди.

Кўпчилик мухлисларда 2006 йил якунига кўра юртимизнинг энг моҳир чарм тўп устаси ким бўлди экан, деган савол туғилгани аниқ. Айтиш жоиз: Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳар йили бўлгани каби бу йил ҳам журналистлар ўртасида мавсум давомида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган энг яхши футболчи ва энг яхши мураббийни аниқлаш мақсадида сўров ўтказди. 20 декабрга қадар давом этган танловнинг натижалари бугун маълум бўлади.

Рекордчи мушуклар

Маълумки, уй мушуклари одатда икки-уч, нари борса, тўрт-беш кило тош босиши мумкин. Хитойнинг Шандун музофотида яшовчи (суратга қаранг) паҳлавон-мушук айрим кўрсаткичлари бўйича ўрта яшар одамдан ҳам ўтиб кетган. Жумладан, белининг айланаси 80 см. ушбу бароқвойнинг вазни - нақд 15 кило.



Қизиғи шундаки, мушук хаддан зиёд семириб кетган, қолаверса, анча қариб қолган (тўққиз ярим яшар) бўлса-да, бемалол ҳаракатланади. Иштаҳаси доимо карнай — бир кунда уч килога яқин гўштни паққос тушираси ўзига егулик топиш уёқда турсин, деярли ҳаракатлана олмайдиган Тулле лақабли бу мушукнинг кейинги тақдири ҳозир маълум эмас.

Шу ўринда Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган энг семиз мушукнинг вазни 19 килою 250 грамм бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Бироқ 2001 йили Данияда яшаган, ўша пайтда хўжайинининг ёрдами-

ОБ-ҲАВО

21-27 декабрь

Хоразм вилояти ва **Қорақалпоғистон**да шу ҳафтанинг охирида ёға бошлаган ёмғир декабрнинг 24-25-саналарига бориб қорга айланиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси **3-6** даража совуқ, кундузи **0-4** даража атрофида бўлади.

Бухоро ва **Навоий** вилоятларида деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **0-4** даража совуқ, кундузи **6-13** даража илиқ келади.

Қашқадарё ва **Сурхондарё** вилоятларида эса янги ҳафтанинг биринчи ярми мобайнида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати кечаси **-2-+3,** кундузи **7-15** даража атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва **Сирдарё** вилоятларида ёғиб турган қор эртага тинади. Шанбадан то кейинги ҳафтанинг чоршанбасига қадар эса ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **-3-+3,** кундузи **7-10** даражани ташкил этади.

Фарғона водийсида эртадан бошлаб тўрт-беш кун мобайнида ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси **-1-+2,** кундузи **5-11** даража атрофида бўлади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **-3-+1,** кундузи **6-8** даражани ташкил этади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

25-31 декабрь

ҚЎЙ. Ҳафта давомида оилавий хотиржамликни сақлаш, уйингиз учун керакли анжом ва жиҳозларни сотиб олиш муаммоси билан шуғулланасиз. Январда қиладиган ишларингиз режасини айнан шу ҳафтада тузиб чиққанингиз маъқул.

БУЗОҚ. Ҳар томонлама қулай ҳафтани бошдан кечирасиз. Жумладан, сешанба куни янги ҳамкорлар билан йирик битим тузсангиз, ойнинг 29-30-кунлари деярли йўқ жойдан даромад кўрасиз. Янги йилни очиқ ҳавода, ажойиб жамоа даврасида кутиб олишингиз кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта аввалида шахсан ўзингизга юклатилган вазифани бажариб, "елкангиздан тоғ ағдарилади". Янги йил арафасида эса, ниҳоят, молиявий ва бошқа муаммоларингизни ҳал этиб, байрамга аъло кайфият билан тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Шаънимга доғ туширадиган ортиқча гап эшитмай, десангиз, ҳар бир хатти-ҳаракатингизни назорат қилиб боринг. Зеро, айб ва қусурларингиз ошкор бўлганда уларни яширишнинг деярли имкони бўлмайди. Муаммо туғдирадиган ишларингизни байрамларга қадар якунлашга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН. Ҳафтанинг биринчи ярмида бутун эътиборингизни саломатлигингизни тиклашга қаратинг: режага риоя қилинг, ҳаддан зиёд кўп куч талаб этадиган ишга қўл урманг, вақтида дам олинг. Кўпйиллик меҳнатларингиз натижасини намойиш қилиш ниятингиз бўлса, тақдимот маросимини янги йилнинг биринчи кунларига белгиланг.

ПАРИЗОД. Аввалги ҳафтадан қолиб кетган бир қанча ишларингиз хамирдан қил суғургандек осон битади. Шу боис байрамолди кайфиятингиз кўтаринки бўлади. Имкони бўлса, оила аъзоларингизнинг ҳар бирига алоҳида совға ҳозирланг.

ТАРОЗИ. Шубҳали ташаббус ва янгиликларни қўллаб-қувватлашга ошиқманг. Янги йилга қадар эски ва синалган ҳамкорлар хизматидан фойдаланиб туринг. Байрам дастурхонига имкон қадар табиий маҳсулотлардан тайёрланган егуликларни тортинг.

ЧАЁН. Бизнес-ражаларни амалга татбиқ этиш ва шахсий ҳаётингизга тааллуқли баъзи камчиликларни тугатиш учун қулай ҳафта. Байрам кунларини кутилмаганда уйингизга ташриф буюрган эски қадрдонларингизни меҳмон қилиш билан ўтказасиз.

ЎҚОТАР. Ҳафта давомида вақтингизнинг асосий қисми байрамларга тайёргарлик кўриш билан ўтади. Жума куни яқинларингизни бориб кўрганингиздан сўнг, бозорга тушиб, керакли нарсаларни харид қилишингиз мумкин. Якшанба куни анчадан буён кўришмаган танишингиз қўнғироқ қилиб қолади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ойнинг 23-санасидан сўнг "тоғ эчкилари"нинг барча соҳадаги фаолликлари ортиши кутилмоқда. Шу боис жорий йилнинг сўнгги ҳафтасини қўнгилдагидек ўтказган бурж вакиллари Янги йил байрамини яхши кайфиятда кутиб олиш имкониятига эга бўладилар. Совғаларни 26 ва 29 декабрь кунлари харид қилганингиз маъқул.

ҚОВҒА. Ҳафтанинг дастлабки кунларида бошқаларнинг айбини ёпаман, деб ўз ҳисобингиздан катта харажатлар қилишга мажбур бўласиз. Аммо ундан кейин баъзи ишларни ниҳоятда тез фурсатда битирасиз. Шу боис байрам арафасида аввалги тушкун кайфиятдан асар ҳам қолмайди. Янги йил тантаналарини оилангиз аъзолари билан ўтказинг.

БАЛИҚ. Ҳафта мобайнида омад сизнинг ҳамроҳингиз бўлади. Янги йил арафасида меҳнатингиз эвазига муносиб тақдирланасиз. Яқинларингиздан бири эса айнан байрам куни сиз анчадан бери олмоқчи бўлган нарсани совға қилиб, кўнглингизни хушнуд этиши кутилмоқда.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси партия Сергели туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Марзия Атабаевага падари бузруквори **Охунжон ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ,
Ш. РАҲИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1467
Тираж: 11672

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71;
361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

РЕКЛАМА

Дамы и Господа!
Приглашаем посетить ЭЛИТ-КЛУБ "ОАЗИС-АСАКА".
г.Ташкент, Фаргона йули, 23
191-30-00
www.oazis-asaka.orexca.com

Предъявителю данного купона, скидка 10%
Купон не подлежит продаже, а также обмену на деньги
191-30-00

ВЫБОР ПО ДОСТОИНСТВУ VIP
К Вашим услугам

УЮТНАЯ ГОСТИНИЦА
12 номеров, оснащенных кабельным ТВ, сплит - кондиционированием, телефонной связью и мини- баром.

КОНФЕРЕНЦ - ЗАЛ
Оснащенный микрофонами и LCD проектором.

ТРЕНАЖЕРНЫЙ ЗАЛ И САУНА
Полностью оборудованные для тренировки и отдыха.

ПРЕКРАСНЫЙ БАССЕЙН
С системами фильтрации, дезинфекции и подогрева воды.

БАР-РЕСТОРАН
На 60 посадочных мест, и высочайший сервис.

ТУРИСТИЧЕСКИЕ УСЛУГИ
Весь спектр услуг по Узбекистану и СНГ.

«ПАХТА БАНК»
ФДРОВОШЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.dps.uz

СПОРТ ишонч-эътиқод, тетиклик маданиятини шакллантиради

ЖАРАЁН

БОЛАЛАР СПОРТИ

Навқирон авлоднинг чиниқиш мактаби

Болалар спортини ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири этиб белгиланган экан, демак, бундай сиёсат замирида миллатимиз равнақи, Ватан келажаги ҳақида ғамхўрлик, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек олижаноб мақсад мужассам.

Навоий вилоятида бугунги кунда умумтаълим ва спорт мактаблари тасарруфида 166 та спорт зали, 1154 та волейбол, футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд.

■ **Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири**

Бу иншоотлар жисмоний тарбия дарслари ва спорт секциялари машғулотларини юқори савияда ўтказиш имконини бермоқда. Мингга яқин жисмоний тарбия ўқитувчиси ва юзлаб мураббийлар вилоятда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб камолга етиши учун сидқидилдан меҳнат қилишаяпти.

Жумладан, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг қўшма қарорига мувофиқ спортнинг ўн беш тури бўйича "Ёзги таътил-2006" мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари, октябрь ойида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлигининг 4 йиллиги муносабати билан вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида спорт фестиваллари ташкил этилди. Уларда 16 ёшгача бўлган минглаб ўқувчи-ёшлар ўзаро беллашишди.

Вилоятда болалар спортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спорт иншоотларини жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг ўзида манзилий дастурга асосан Кармана туманининг Суронбой Умаров номли маҳалласида жойлашган 8-мактаб ёнида бешинчи типдаги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ҳамда Хатирчи туманидаги лицей-интернатлар, Навбаҳор, Кармана, Учқудуқ, Конимех ва Нурота туманларидаги 8, 6, 13, 14, 12-мактабларнинг ўқувчилари учун спорт заллари қуриб берилди. Нурота тумани, "Нурота" ширкат хўжалигидаги спорт зали батамом таъмирланди.

2006 йилда барпо этилган спорт иншоотлари қурилишини молиялаш мақсадида республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 598,2 млн. сўм, вилоят филиали томонидан 411,1 млн. сўм ажратилди. Маҳаллий қизларни оммавий спортга жалб қилишни кўзлаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш учун 100 млн. сўм ажратилди. Шунинг баробарида 2003-2006 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотларини белгиланган талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт ускуна ва анжомлари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида ана шу мақсадда 286,2 млн. сўм сарфланди.

— Вилоятимизда болалар спортини ривожлантиришда ҳомийлар томонидан катта ёрдам берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди филиал директори Нуриддин Тошев. — Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати чўл ҳудудларидаги Мурунтов қўрғони, олис Томди ва Учқудуқ туманларида 150 дан ортиқ спорт майдончаси ва иншоотини бунёд этиш, таъмирлаш ва жиҳозлашда беминнат ёрдам берди. "Навоийазот" корхонаси раҳбарияти эса болалар учун улкан спорт кошонасини қуриб, фойдаланишга топширди. Бу ердаги 50х50 метр саҳнли залда ўғил-қизларнинг кўплаб спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча зарур имкониятлар яратилди. "Қизилқумцемент" ОАЖ жамоаси эса Навбаҳор туманида болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳини барпо этиш учун 350 млн. сўм маблағ ажратди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 598,2 млн. сўм, вилоят филиали томонидан 411,1 млн. сўм ажратилди. Маҳаллий қизларни оммавий спортга жалб қилишни кўзлаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш учун 100 млн. сўм ажратилди.

Ҳомийларимиз, бундан ташқари, вилоят болалари ўртасида футбол, волейбол, баскетбол, гимнастика сингари спорт турларини янада оммалаштириш, шунингдек, бокс, футбол, сузиш, қиличбозлик, оғир атлетика бўйича вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда навоийлик ёш спортчиларнинг муваффақиятли қатнашишлари учун барча шарт-шароит яратиб бермоқдалар.

Ҳа, вилоятда болалар спортини ривожлантириш учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида навоийлик болаларнинг спорт маҳорати сайқал топиши, уларнинг беллашувларда муносиб ўринларни эгаллашларига имкон яратмоқда. Яқинда умумтаълим футбол мактаб-интернатлари спортчиларининг республика биринчилигида 1990-1991 йилларда туғилганлар ўртасида Навоий футбол мактаб-интернати жамоаси ғолибликни қўлга киритганлиги ҳам ана шундай ғамхўрлик самараси бўлди. Навоийлик болалар, шунингдек, спортнинг қўл тўпи, волейбол, бадиий гимнастика баскетбол, қиличбозлик, тош кўтариш, пауэрлифтинг, армрестлинг, кураш турлари бўйича ҳам мамлакатимиздаги тенгдошлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаб келишаяпти.

Болалар спорти фақат шаҳарларда эмас, барча қишлоқ туманлари, айниқса Конимех, Навбаҳор, Хатирчи ва Кармана туманларида ҳам жадал ривожланаяпти. Назир Назаров, Ботир Бўронов, Қудрат Одилов, Равиль Ҳайитов, Дилбар Ўткирова, Мирзоҳид Шаропов сингари малакали мураббийлар ўғил-қизларимизни спортга жалб қилиш, улардан юксак маҳоратли спортчилар тайёрлаш учун астойдил ишлашаяпти. Ғулом Ёвқочев, Азиза Равшанова, Нодира Мансурова, Юлдуз Ҳақназарова, Воис Эргашев, Мирзоҳид Рашидов каби юзлаб ёш спортчиларнинг вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритаётган натижалари салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган беқиёс эътибор ва ғамхўрликнинг мевалари, дейиш мумкин.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни «ALAFIA» адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Савобли ишлар давом этади

"Президентимиз ташаббуси билан келгуси йилни "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши мен каби қарияларни жуда қувонтирди. Бу ғоят савобли ишдир. Шу муносабат билан мамлакатимизда пенсионерларга имтиёз ва қулайликлар яратиш борасида қилинаётган аниқ ишлар тўғрисида маълумот берсангиз.

Мирпўлат МИРКАРИМОВ, Тошкент шаҳри".

— 2006 йил 7 сентябрда республикамиз Президентининг ПҚ-459 сонли қарори билан "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури" тасдиқланган.

Унда ёлғиз ногиронлар ва кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Жумладан, "Саховат" ва "Мурувват" уйлари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини татбиқ этиш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, геронтология ва гернатрия соҳасида кўрсатилаётган ёрдам сифатини, шунингдек, уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари белгилаб берилган.

Келгуси йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб белгиланиши ана шу дастур доирасида кўзланган мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилишига хизмат қилади.

Солиқ маслаҳатчиси хизматингизда

"Солиқ идорасида ишлайдиган бир танишим бизда ҳам солиқ маслаҳати бўйича хизматлар ташкил этилаётгани ҳақида гапириб қолди. Бу қандай хизмат? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Турсунали НОСИРОВ, Пешку тумани".

— Ушбу хизмат тури яқинда қабул қилинган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ташкил этилмоқда. У юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ тизими бўйича маслаҳат хизмати кўрсатиш билан шуғулланади.

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар мижозга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш юзасидан маслаҳат бериш, солиққа тортиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда ёрдам кўрсатиш, судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ масалалари бўйича мижоз номидан ва унинг топшириғига биноан вакил бўлиб қатнашиш ишларини ўз ичига олади.

Меросдан воз кечган, лекин...

"Бувам ҳаётликларида ўзининг бор мулкини нотариус орқали акамга васият қилганди. Лекин акам ўшанда "менга ҳеч нарса керак эмас" деб ошкора эълон қилган эди. Орадан 5 йил ўтгач эса бувамдан қолган томорқага ҳеч кимдан сўрамай, иморат қуриб олди. Бу ҳаракати қонуний ҳисобланадими?

Рустам БУРХОНОВ, Самарқанд шаҳри.

— Бувангиз васиятни кимнинг номига расмийлаштирган бўлса, у мулк ўша пайтдан бошлаб унинг тасарруфига ўтади. Мабодо, акангиз меросдан нотариус орқали воз кечса, меросга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, қонундаги васият қоидалари кучга киради. Яъни мерос қолдирган шахснинг мулки яқин қариндошлари ўртасида тенг тақсимланади.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

МАШҒУЛОТ

Солиқ сиёсати ва ОАВ

Маълумки, оммавий ахборот воситалари мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва мазмунини кенг жамоатчиликка етказишда, солиқ маданиятини оширишда алоҳида ўрин тутади. Кейинги пайтда матбуот, телевидение ва радиода мавзуга кенг ўрин берилаётгани ҳам шундан далолат.

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

Мамлакатимизда ўтказилаётган солиқ тизимидаги ислоҳотдан журналистларнинг хабардорлигини ошириш ҳамда солиқ идоралари ахборот хизматлари ҳамда ОАВнинг бу борадаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу кунларда вилоятларда тренинг машғулотлари ўтказилмоқда. Куни кеча Бухородаги "Сиёвуш" меҳмонхонасида ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Анжуманни вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Ўктам Тангриев бошқарди.

"Солиқлар ва божхона хабарлари" молиявий-иқтисодий газетаси эксперти Муҳиддин Зайниддинов "Солиқ ислоҳотлари хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш асосидир" мавзуида маъруза қилди.

Таъкидландики, 2006 йил мобайнида Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати томонидан ОАВ орқали 700 дан зиёд турли мавзуда ахборотлар ёритилганлиги, уларнинг 60 фоизи лавҳа, репортаж ва телекўрсатувлардан иборатдир. Фуқаролар онгида солиқ маданиятини шакллантириш мақсадида бир қатор реклама роликлари мунтазам равишда бериб борилмоқда.

Тренинг қатнашчилари, шунингдек, "Янги таҳрирдаги солиқ кодексига асос қилиб олинган концептуал ёндашувлар", "Солиқ маъмуриятчилиги тизими: дастлабки қадамлар ва истиқболдаги режалар", "Журналистлар ҳамда солиқ органлари ахборот хизмати ходимларининг нутқ ва муомала маданиятини шакллантириш" мавзуларидаги маърузаларни ҳам тингладилар.

ЭЪЛОН

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан тугатишга доир иш жорий этилган корхоналарнинг кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома

Корхона ва ташкилот номи	Корхона раҳбари (исми-шарифи)	Хўжалик суди ажрими, ҳал қилув қарори (рақами, санаси)	Корхона манзили	Банкрот таомили	Йиғилиш ўтказиладиган сана	Йиғилиш ўтказиладиган манзил	Суд бошқарувчиси исми-шарифи
Денов туман Охунбобоев номли савдо-ишлаб чиқариш ЁТАЖ	З. Исмоилов	31.10.06 й 19-0605-4365	Денов тумани, Охунбобоев номли ш.х.	Тугатиш	28.12.2006 й.	Денов тумани, Охунбобоев номли СИЧХЖ биноси	М. Ҳамидов
Денов туман "Ҳазарбоғ" СИЧХЖ	М. Исмоилова	31.10.06 й. 19-0605-4367	Денов туман "Ҳазарбоғ" ш.х.	Тугатиш	29.12.2006 й.	Денов тумани, "Ҳазарбоғ" СИЧХЖ биноси	М. Ҳамидов

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг кредиторлари йиғилишга ўзаро қарздорлик тўғрисидаги солиштирма далолатноманинг нусхаси ва ишончнома тақдим этишлари лозим.
Мазкур корхоналарга нисбатан қарздорлик масаласи бўйича кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Н. Хўжаев кўчаси, 5-уй. Тел: 7-29-12, 2-83-61

ҚУТЛОВ

«Муборак газни қайта ишлаш» заводи жамоаси

**Азиз ватандошлар!
Яқинлашиб келаётган
Янги йил барчангизга
қутлуғ бўлсин.
2007 йилда эзгу-ниятлар,
орзу-истакларингиз
рўёбга чиқишига астойдил
тилакдошмиз.
Янги йил ҳар бир хонадонга
бахт ва шодлик,
тинчлик ва омонлик
олиб келсин.
Турмушимиз янада фаровон,
дастурхонимиз доимо
тўкин-сочин бўлсин.**



Янги йилингиз муборак, азизлар!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

Жиззах вилояти филиали жамоаси

**Мамлакатимизнинг
барча фуқароларини
янги — 2007 йил
билан чин дилдан
муборакбод этади.
Кириб келаётган йил
дилларга қувонч ва
шодлик олиб кирсин.
Ўйлаган орзу-ниятларимиз
албатта ушалсин.
Осмонимиз доимо мусаффо,
хонадонимиз тинч-осойишта
бўлсин!**

ОДАМГА у ўзи ҳақида нима дейиши ёки нима ўйлашига қараб эмас, балки қилаётган ишига қараб баҳо берилади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

«Европа қалъаси»даги силкинишлар

АНА ШУ КЎҲНА «ҚАЛЪА»НИНГ МАВҚЕИ ВА ОБРЎ-ЭЪТИБОРИГА ҲАЛОКАТЛИ ДАРАЖАДА ТАЪСИР КЎРСАТИШИ МУМКИН. БУНДА ЯНА АҚШ МАНФААТЛАРИ «БЎЙ» КЎРСАТМОҚДА

Ўтган ҳафта Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг икки кунлик саммитини аксарият халқаро кузатувчилар яқин тарихдаги энг мураккаб ва машаққатли учрашув, дея атаганлари бежиз эмасга ўхшайди. 25 мамлакат раҳбарлари кун тартибидаги кенг қамровли масалалар, жумладан, энергетика муаммолари, иқлим ўзгариши, муҳожирлик ва халқаро инқирозлардан тортиб Туркиянинг ҳамжамиятга аъзо бўлиши, Россия билан ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги янги шартномани имзолашгача бўлган мавзуларни муҳокама этиш чоғида яқдил фикрга кела олмаганлари ана шундай хулосаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

■ Абдумалик АКРОМОВ

Ҳақиқатан ҳам саммит давомидаги муҳокамалар силлиқ кечмади. Европа Иттифоқининг халқаро майдонда ягона сиёсий ва иқтисодий куч сифатида ҳаракатланиши тарафдори бўлмиш Германия, Франция, Испания ва Голландия каби мамлакатлар хоҳишига зид тарзда Польша, Венгрия, Чехия каби Марказий ва айрим Ғарбий Европа давлатларининг аравани бошқа тарафга тортиши туфайли биронбир устувор масалада келишувга эришилмаганини Европадаги сиёсий ва хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда АҚШга устуворлик берилишини ҳимоя қилаётган Иттифоқнинг янги аъзолари сабаб бўлаётгани билан боғлаш мумкин. Янги аъзоларнинг нохолис муносабатлари туфайлигина Европа Иттифоқи Россия билан ҳамкорлик битимини имзолай олмади. Бунинг сабаби Москванинг Польшадан келаётган гўшт маҳсулотларини мамлакатга киритмай қўйганидадир. Бу ерда гап фақат Варшава гўштида эмас, албатта. Польша орқали Россияга кириб келаётган Болгария ва Руминиянинг касалликка чалинган ҳайвон гўштлари ҳақидаги музокаралар бунда асосий ўринни эгалламоқда.

Таъкидлаш керакки, айнан Польшанинг ветоси билангина ҳамжамиятнинг Россия билан режалаштирилган учрашувлар ва эришилиши кўзда тутилган аҳдномалари барбод бўлди. Агар томонлар гўшт масаласида келишувга эришолмасалар, ЕИ мамлакатлари бир йилда икки миллиард доллар атрофида зарар кўради. Бу эса шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган Марказий ва Шарқий Европа фермерлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Маълумки, 2007 йилнинг 1 январида Европа Иттифоқига раислик қилиш навбати Германия ихтиёрига ўтади. Брюсселга жўнаш олдидан баёнот берган федерал канцлер Ангела Меркел хоним ҳамжамият олдида турган муаммоларни ечиш учун аъзоларнинг жипслиги зарурлигини, ЕИ ва Россия билан келишувга эришиш яқин келажакдаги устувор вазифа бўлиб қолажагини бежиз эътироф этмади, албатта. Энг асосийси эса мазкур баёнот замирида аслида "катта оға"нинг Брюссель ички ишларига аралашишини тўхтатиш чақириғи ётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Негаки, айнан океан ортидагилар маслаҳатига қулоқ тутаётган ЕИ аъзоларининг хатти-ҳаракатлари иттифоқ жипслигига раҳна солмоқда. Ташкилотнинг Вашингтон кўрсатмаси билан иш тутаётган Марказий Европадаги аъзолари жонбозлиги билан Москва ва Брюссель муносабатларида энергетик хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ҳам кун тартибига чиқди. Холис таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Москванинг МДҲ мамлакатларига нефть ва газни бозор нархида етказиб бериш ҳақидаги қарори АҚШ ва унинг Европадаги Иттифоқчиларга ёқмаётганлиги бугунги гап эмас. Улар Россияни энергетик захиралардан қўшниларига сиёсий босим кўрсатиш сифатида фойдаланаётганликда айблашаётир. Ваҳоланки, АҚШ ёки Европа Иттифоқининг ўзи қўшниларига ёки рангли инқилобларни амалга оширган "қардош" республикаларга бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сотаётганига ҳеч ким эътибор қаратмаяпти. Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Ҳукуматни танқид қилиш билан танилган журналист Анна Политковскаянинг ўлими, Россия махсус хизматининг собиқ ходими, Лондонда истиқомат қилган Александр Литвиненконинг номаълум ҳолатларда полонийдан захарланиши ва тергов якунланмасдан туриб Москва шаънига ёғдирилаётган "танқидлар ёмғири" муносабатлар ҳали-бери яхшиланмаслигидан далолат бериб турибди. Аслида мазкур сирли воқеалар замирида Москванинг халқаро майдондаги обрўйи ошиб бораётганини кўролмаётган кучларнинг хатти-ҳаракати, қўли борлиги ҳақидаги эҳтимоллар ҳақиқатга яқинроқдир.

Юзага келган ана шундай вазиятда Ғарбдаги бир қатор давлат арбобларидан фақат Германия собиқ канцлери Герхард Шрёдергина Москванинг ёнини олишдан чўчимаяпти дейиш мумкин. У Россияда авторитар тузум аломатлари пайдо бўлаётгани хусусидаги фикрларни инкор этиб, Литвиненко атрофидаги бақир-чақирларга муносабат билдираркан, "далилларни билмасдан туриб, ҳукм чиқаришга тайёр турганлардан" ажабланаётганини очиқ-ойдин баён этди.

Шу ўринда Брюссель саммитида Франция ва Нидерландиянинг янги аъзоларга нисбатан ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлганлигини ҳам таъкидламоқ жоиз. "Интернэшнл геральд трибюн" газетасининг қайд этишича, Брюссел саммитидан кейин "Европа қалъасини ишғол қилиш янада мураккаблашади". Иттифоқ давлатларининг барчаси бундан буён аъзоликка қабул қилишнинг қатъий тартибини қўллаш вақти етди, деган хулосага келдилар. Яъни, номзодлар ташкилотнинг демократик, ҳуқуқий ва иқтисодий талабларига қатъий ва тўла риоя этишлари шарт.

Болгария ва Руминиядан кейин Европа Иттифоқига аъзо бўлишга Хорватия (2009) тайёр турганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Албания, Босния, Македония, Сербия, шунингдек, Черногориянинг эса янада узоқроқ кутишларига тўғри келади. "Европа қалъаси" эшикларини қирқ йилдан бери қоқаётган Туркия эса яна 10-15 йилдан кейин бу остонага қадам қўядиган кўринади. Агар ана шундай кескин талаблар қўйилмаса, янги аъзолар "фаолияти" туфайли Европа Иттифоқи бундан-да жиддий муаммоларга дуч келишини саммит фаолияти яққол кўрсатиб қўйди. Энг ёмони, эски Европага Шарқдан муҳожирларнинг кириб келиши, янги Европада сира кутилмаган иқтисодий инқирозларни юзага келтириб, кўҳна Европани иқтисодий турғунликка етаклаши мумкин. Аксарият кузатувчилар ана шундай хулоса чиқармоқдалар. Жаҳоннинг саноати тараққий этган мамлакатлари сифатида танилган Франция ва Германияда иқтисодий ўсишнинг тўхташи ана шундай хулосаларга асос бўлмоқда. Европа Иттифоқи талабига кўра эса, аъзо мамлакатлардаги инфляция даражаси 2-3 фоиздан ошмаслиги керак. Лекин Венгрия, Польша, Словакия каби давлатларда бу кўрсаткич 8-9 фоиздан ошиб кетди.

Шу ўринда европаликларнинг қитъада Америка базаларининг кенгайтирилиши борасида ҳам жиддий баҳсга киришганларини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Франция, Германия ва Италия АҚШнинг Руминия ва Болгарияда ҳарбий базаларни жойлаштиришидан норозилик билдирмоқда. Айниқса, Пентагоннинг Россия билан чегарадош Польша ҳудудида ракета ҳужумидан мудофаа тизимларини ўрнатиш режаси Россия билан яхши алоқалар ўрнатиш тарафдори бўлган мамлакатларда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Аслида Европа ҳамжамияти болгар ва руминларни ўз сафига қабул қилиш қарорига келган пайтдаёқ Еврокомиссия ҳадемай жиддий бош оғриғи пайдо бўлишини тушуниб етган эди. Чунки ушбу мамлакатлар Европа Иттифоқининг аксарият ўлчовларига, энг аввало, турмуш даражаси ва аҳолининг даромадлари пастлиги ҳамда коррупция юқорилиги билан ҳам мос келмаслиги ўшандаёқ маълум эди. Шунга қарамай, амалдорлар ишга тушиб бўлган жараённи тўхтатмасликка қарор қилгандилар.

Болқондаги номзодлар ҳам Брюссель ўлчовларига тўғри келмайди, деб бемалол айтиш мумкин. Албания, Босния-Герцоговина, Македония ва Черногорияда аҳолининг турмуш даражаси шу қадар пастки, уларнинг бу ҳолатда ҳамжамиятга қабул қилиниши Ғарбий Европадаги солиқ тўловчилар киссасига жуда оғир юк бўлиши аниқ. Хорватия Болгария ва Руминияга нисбатан тўқроқ яшаса-да, ҳанузгача унинг умумэътироф этилган чегаралари йўқ ва серб озчилиги ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ечилмаган. Латвия ва Эстонияда ҳам шунга ўхшаш муаммолар мавжудлиги учун ҳам итифоқ амалдорлари ягона Европа оиласида яна бир муаммоли ҳудуд пайдо бўлишини истамаяптилар.

Шенген зонасини кенгайтириш тўғрисидаги масала ҳам мунозарали мавзулардан биридир. Муҳожирлар учун қулай жой — Словения ва Чехияни ҳисобга олмаганда, Польша, Болтиқбўйи давлатлари, Словакия ва Венгриянинг миллионлаб фуқаролари иш топиш умидида Ғарбий Европа мамлакатларини тўлдирмоқдалар. Янги Европага ана шундай имконият берилса, вазият бундан-да жиддийлашиши ва Ғарбий Европанинг ўзида ҳам ишсизлик масаласи энг муҳим муаммога айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ана шундай масалалар кун тартибида турган бир пайтда Европа Иттифоқи ташқи ишлар вазирларининг учрашуви арафасида Туркия билан аъзолик музокараларини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор ва уни ҳукумат раҳбарларининг ҳам қўллаб-қувватлаши Туркиядаги шарҳловчиларнинг ҳамжамиятни иккиюзламачиликда айблашларига сабаб бўлди. Бундай қарор учун Анқара ўз портларини 2004 йилдан бери ташкилот аъзоси — Кипр республикаси учун очишдан бош тортаётгани асос қилиб олинган бўлса-да, аслида кузатувчилар Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш йўлидаги музокараларнинг чўзилишига бошқа сиёсий ва иқтисодий сабаблар бор, дея таъкидламоқдалар. Айрим мамлакатлар расмий Анқара олиб бораётган ислоҳотларга шубҳа билан қараётган бўлса, бошқа бировлар 70 миллион нафарга яқин аҳолиси бўлган Туркиянинг ЕИдаги энг катта ва Европарламентдаги энг кўп овозга эга мамлакатлардан бирига айланишидан чўчимоқдалар. Бундан ташқари, айримлар Европа христианлар ҳамжамияти бўлиши лозим, деган ғоялардан ҳали ҳам воз кечганлари йўқ. Шу боис баъзи доираларда Туркиянинг насроний Европа билан иттифоқдош бўла олмаслигини очиқ-ойдин таъкидланмоқда.

Европа матбуотида пайдо бўлаётган янги шарҳларга қараганда, Европа Иттифоқи беқарорлик ўчоғига айланган Ироққа қўшни бўлган мамлакатни ўз сафларида кўришни ҳам истамаяпти.

Ниҳоят, яна бир муҳим масала бу евро ҳудудининг кенгайиши билан боғлиқдир. Қоғозларда гўёки осон кечаётган бўлса-да, амалда ягона Европа валютасининг фақат бир мамлакатдагина — Словенияда амал қилиши аниқ бўлиб қолди. У билан бирга евро зонасига киришга ҳозирлик кўраётган Эстония ҳам ўз қарорини бекор қилди. Бошқа номзод Литвани эса Европа кўрсаткичлари бўйича йирик инфляция қамраб олган. Кўҳна Европанинг икки мамлакати — Дания ва Швеция эса ҳанузгача еврони жорий этиш масаласини чўзиб келаяпти.

Хуллас, Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити ўта мураккаб вазиятда ўтди ва унинг анчайин қалтис чорраҳада турганлиги яққол аён бўлиб қолди, дейиш учун кенгидан-да, ортиқ асослар бор. Аъзоларнинг принципиал масалаларнинг бирортасида ҳам ягона фикрга эга эмасликлари эса ташкилотнинг дунёда тутган ўрнига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

ХОЛИС ФИКР

ХИТОЙ

Пекинда бир йилдан буён тўхтаб турган Шимолий Кореянинг ядровий муаммоларига оид олти томонлама музокаралар яна бошланди. Ўтган вақт мобайнида КХДР ўзини ядровий давлат деб эълон қилди ва ушбу қуролдан воз кечиш эвазига иқтисодий санкциялар олиб ташланишини, энергетика эҳтиёжи учун сувда ишлайдиган енгил реактор берилишини талаб қилмоқда.

Муросага келишнинг оғир йўли

Музокаралар бошланмасиданоқ унинг осон ўтмаслиги аён бўлиб қолди. КХДР делегацияси раҳбари Ким Ге Гван Пекинга етиб келган заҳоти баёнот бериб, АҚШ Пхеньянга нисбатан душманона сиёсатини ўзгартирмаётгани учун олти томонлама музокаралардан амалда ҳеч нарса кутмаётганини айтди. АҚШ делегацияси раҳбари Кристофер Хилл эса гапни таҳдиддан бошлади. "Шимолий Корея қуролсизланиш масаласига жиддий ёндашувни танлаши керак. Биз ё дипломатия, ё бўлмаса, Пхенъян иқтисодиётига катта зиён етказадиган санкция қўллаш йўлида борамиз. Бизнинг сабр-косамиз тугаб бормоқда", — деди у.

АҚШ таҳдидига шимолий кореяликлар ҳам шундай мазмунда жавоб қайтаришди. КХДР Америка делегациясининг икки томонлама музокаралар ўтказиш таклифини рад этди. Аввалги олти томонлама музокараларда эса АҚШ Пхеньян билан мулоқот олиб боришдан бош тортиб келаётган эди.

ФАЛАСТИН

Фуқаролар уруши ёқасида

Фаластин мухториятида икки ҳукмрон куч ўртасида келиб чиққан можарога Ғарб бевосита аралашмоқда. Хусусан, Рамаллоҳга ташриф буюрган Британия бош вазири Тони Блер Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббоснинг муддатидан илгари парламент ва президентлик сайловларини ўтказиш хоҳишини маъқуллади.

Кузатувчиларнинг фикрича, қўллаб-қувватлаш президент тарафдори — "Фатх" партияси ва "Хамас" радикал гуруҳи ўртасидаги можарони тугатишга эмас, балки уни алангалатишга хизмат қилади. Таъкидлаш керакки, Маҳмуд Аббоснинг баёнотидан кейин қарама-қарши томонлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар авжга чиқди. "Хамас" ҳаракати жаноб Аббос ташаббусини рад этиб, ҳокимиятни ҳар қандай йўл билан, жумладан, қурол ёрдамида сақлаб қолиш ниятида эканини яшириб ўтирмади. Ғазода ва мухториятнинг бошқа секторидаги отишмалар эса авжига чиқди. Радикалларнинг бундай жанговар кайфияти Исмоил Хония маҳкамаси истеъфога чиқарилса, Фаластинда фуқаролар уруши бошланиши ва пировард-натижада мамлакатнинг "Хамас" назорати остидаги Ғазо сектори ва "Фатх"га мойил Ғарбий соҳилга бўлинишига олиб келишини яққол кўрсатиб турибди.

ЭРОН

Оғу — барча кулфатлар манбаи

Эрон қадимдан савдо маркази ва Буюк Ипак йўлидаги муҳим давлатлардан бири бўлиб келган. Аммо бугунга келиб у ўзи тутган марказий ўриндан азият чекмоқда.

"Қўшни Афғонистон гиёҳвандлик моддаларининг ғарбга ташилишида асосий транзит йўлга айланган Эрон икки томонлама муаммолар гирдобига тушиб қолган", — деб таъкидланади БМТ маърузасида. Жумладан, мазкур мамлакатда наркотиклар истеъмоли кўпайиши баробарида ВИЧ/ОИТС эпидемияси ҳам авж олган.

БМТ наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси раҳбари Антонио Мария Коста Афғонистон бу йил 6100 тонна қорадори етиштиргани, унинг 80 фоизга яқини Покистон ва Эрон орқали ғарбга олиб ўтилишини айтиб, атиги чорак қисми кўлга туширилишини таъкидлади. Washington File хабар беришича, Белужистондан тиш-тирноғигача қуролланиб чиққан қўриқчилар кузатувидаги гиёҳвандлик моддалари Эроннинг Хуросон вилояти ва бошқа чегарадош туманлар орқали олиб ўтилади. Сўнгги 27 йил мобайнида контрабандачиларга қарши кураш чоғида 3600 нафар Эрон чегарачиси ҳалок бўлган.

ҚУТЛОВ



«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ

бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2007 йил билан самимий муборакбод этади. Ижтимоий ҳимоя йилида барча-барчамизда саховатпешалик, меҳр-мурувват хислатлари янада ёрқинроқ намоён бўлсин, хонадонларимизни файзу барака, аҳил-иноқлик ҳеч қачон тарк этмасин.

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»
УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ

барча юртдошларимиз ва саноатчиларни Янги йил байрами билан чин дилдан қутлайди. 2007 йилда Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг иқтисодиётини юксалтиришдек масъулиятли вазифани адо этишда сиз, азизларга муваффақият, оилангизга тинчлик-тотувлик ва бахт-саодат тилаймиз.
ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ йилида режалаштирган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

РЕКЛАМАЛАР